

OILA DAVRASIDA

№ 20-21
(418-419)
18-iyun
payshanba

ЭНДИ ИНСОН ҚАДРИ
АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС...МИ? **4**-бет

ДИПЛОМ ёки
20 ЙИЛЛИК
ТАЖРИБА, ҚАЙСИ
БИРИ МУҲИМ? **5**-бет

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



ЗИЁЛИ КИМ?
Золим кимсалар
кучли тафаккур
эгаси бўлишган...
9-бет

ОСОН ВА ҚИЗИҚАРЛИ
тил ўрганишдаги
ноёб услуб
9-бет

«КАЛЛАСИЗ» ХОТИН
Буни исботлаган ота
7-бет

3-бет

«Оила даврасида» газетасига

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ШОШИЛИНГ!

2020 йилнинг 6 ойи учун **ОБУНА** давом этмоқда

Обуна индекси - **193**



Олимларни
ДОҒДА ҚОЛДИРИБ...
ёки бармоқдаги
хиёнат белгиси
7-бет

«ОБОД ХОНАДОН» АКЦИЯСИ

Одамлар кўнглига ободлик нафасини олиб кирмоқда

Каровчисиз кекса онахоннинг уйи ғоят абгор аҳволга келиб қолганди. Маҳалла фаоллари маслаҳатлашди. Таъмирчию қурувчиларни чорлаб, онахоннинг уйини кўркам, файзли ҳолатга келтиришди.

Азалдан халқимиз ҳовли жойларни озода, саранжом ҳолатда сақлашга одатланган. Ҳовли-жойли маҳаллаларда эрта тонгдан қизлару келинларнинг кўча-кўйларни чиннидек су-пуриб, сув сепиши наинки ён атроф, балки хира кўнгилларагям равшанлик бағишлайди. Афсуски, кейинги йилларда айрим кўп қаватли уйларда ҳар тарафга ахлат халталарни улоқтириш, ён-атроф тозаллигига эътибор бермасликдек ҳолати кўзга ташланмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари ва ҳомийлар томонидан кам таъминланган, эҳтиёжманд фуқароларнинг 48 нафари хонадони таъмирлаб берилди.

Кўп қаватли 27 та уй йўлаклари таъмирланмоқда. Мавжуд томорқа ва иссиқхоналар хатловдан ўтказилмоқда. Нуруний, якка-ёлғиз кексаларнинг томорқаларида ҳашарлар уюштирилмоқда. Тошкент шаҳридаги 73 та қабристон ва зиёратгоҳларда ободонлашти-



Ваҳоланки, турар-жойларни саришта сақлашдек анъаналаримизга чет элликлар ҳар қанча қойил қолса, тасаннолар айтса арзийди.

Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бошланган «Жонажон юртим ободлигига ҳиссамни қўшаман» пиори остидаги эзгу акция юртимиз бўйлаб тобора кенг қулоч ёзмоқда. Унинг доирасида хонадонлар ва кўчаларда 2020 йил июнь-август ойларига амалга ошириладиган ҳаракатлар режаси бандлари бўйича «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» тамойили асосида хонадонлар, кўчалар ва маҳаллалар янада обод ҳамда кўркам қилинмоқда.

Тошкент шаҳрида мавжуд 11 та туман, 514 маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳар бир секторлар бўйича ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга қатта эътибор қаратилмоқда.

риш ва ҳашарлар ўтказилмоқда. Хусусан, Чилонзор тумани «Ботирма» ва «Баҳористон» маҳаллалари обод гўшага айлантирилмоқда.

«Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» тадбирлари ташкил этилиб, жамоат ишларига жалб қилинган ишчилар ва аҳоли томонидан кўчалар, кўп қаватли уйларнинг атрофи тозаланди. Йўллар четига ҳар хил турдаги гул кўчатлари, очик майдонлар ва қаровсиз ётган ерлардан унумли фойдаланиш мақсадида ҳар хил дарахт кўчатлари ҳамда бир неча турдаги сабзавотлар экилди.

Бу каби тозалаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари натижасида барча маҳаллалар янада обод манзилларга айланиб бормоқда.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА

Саховат ва кўмак кўлами

«Саховат ва кўмак» жағфармасига шу кунга қадар жами 194 миллиард 625 миллион сўмдан зиёд хайрия маблағлари келиб тушди.

Мазкур маблағлар ҳисоби-дан коронавирус пандемияси ва карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали оилалар, якка ёлғиз ва ногиронлар ҳамда ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган фуқаролар пул маблағлари, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминланди.

300 минг 388 оилга 118

миллиард 925 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Жумладан, 205 минг 646 оилга кундалик истеъмол товарлари учун 37 миллиард 860 миллион сўмлик турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари, 2 минг 322 оилга 399 миллион 531 минг сўмлик дори, химия ниқоблари, антисептик воситалар, 24 минг 619 оилга 9 миллиард 626 миллион сўмлик бошқа турдаги маҳсулотлар, 67 минг 296 оилга 71 миллиард 110 миллион сўмлик нақд пул кўринишида маблағлар берилди.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

1 июлдан 200 ва 500 сўмлик қоғоз пуллар муомаладан чиқарилади

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборот хизмати хабар қилди. Адлия вазирлигида 2018 йил 19 майда 3014-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эски намунадаги 50 ва 100 сўмлик тангаларини, шунингдек, 50, 100, 200 ва 500 сўмлик банкнотларини айирбошлаш ҳамда муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан:

1997 йил намунасидаги 200 сўмлик;

1999 йил намунасидаги 500 сўмлик банкнотлар 2020 йил 1 июлдан қонуний тўлов воситаси сифатида ўз қучини йўқотди.

Эски намунадаги ушбу пул белгилари 2020 йил 1 июлга қадар барча тижорат банклари бўлиналари, 2020 йил 1 июлдан кейин эса Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари Ҳисоб-китоб касса марказлари томонидан қабул қилинади ва муомаладаги пул белгиларига чекланмаган микдорда алмаштириб берилади.

Шу муносабат билан, эски намунадаги 200 сўмлик ва 500 сўмлик банкнотларингиз мавжуд бўлса, белгиланган тартибда муомаладаги пул белгиларига алмаштириб олишингиз мумкинлигини эслатиб ўтамыз.



ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИГА ҚАБУЛ ҚАЧОН БОШЛАНАДИ?

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги тасарруфидаги мактабларга 2020/2021 ўқув йили учун ўқувчиларни қабул қилиш имтиҳонлари бўйича маълумот берилди.

Бугунги кунда юзага келган пандемия вазиятидан келиб чиқиб, карантин даврида ёш авлод соғлиғини асраш, пандемия бутунлай бартараф этилмаган шароитда вояга етмаган ўқувчиларнинг қатта сифимли биноларда саралаш имтиҳонлари вақтида узоқ вақт қолиб кетишига йўл қўйиб бўлмастлиги, шунингдек, хорижий ҳамкоримиз — Cambridge Assessment тапшиқоти вакилларининг мамлакатимизга карантин даврида таширфини белгиланган саналарда ташкил этиш имкони йўқлиги сабабли истисно Assessment жорий йилда Президент мактабларига ўқувчилар қабули келгуси ўқув йилида ўтказилади, дейилади Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги маълумотида.

Бухоро, Жиззах, Қарши, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида очиладиган Президент мактабларига (бешинчи

синфдан ўнинчи синфгача) ҳамда жорий йилда очилиши режалаштирилган Сурхондарё вилоятидаги Рузи Чориев ва Бухоро вилоятидаги Мухтор Ашрафий номидаги ижод мактабларига (еттинчи синфдан) ўқувчилар қабули келгуси йилда ўтказилади.

Тошкент, Нукус, Наманган ва Хива шаҳарларида фаолият юритаётган Президент мактабларига 2020/2021 ўқув йилига ўқувчиларни бешинчи синфларга қабул қилиш имтиҳонлари 2021 йилга қолдирилиб, 2021/2022 ўқув йилида ўқувчилар бешинчи ва олтинчи синфларга қабул қилинади.

Ҳукумат қарорига биноан, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ижод мактабларига қабул еттинчи синфдан амалга оширилади. Бугунги кунга келиб, мавжуд ижод мактабларидаги синфлар контингенти тўлиқлигини инобатга олган ҳолда, 2020/2021 ўқув



йилида янги синфлар очилиши назарда тутилмаган.

Агентлик тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар, яъни Муҳаммад ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек ҳамда Абу Али ибн Сино номларидаги ихтисослаштирилган мактабларга 2020/2021 ўқув йилига ўқувчиларни қабул қилиш масаласига оид маълумот тегишли ўрганишлардан сўнг маълум қилинади.

Бугунги кундаги вазиятдан келиб

чиққан ҳолда, Агентлик тизимидаги мактабларга ўқувчилар қабулида жорий йилда киритилаётган ўзгаришлар ушбу мактабларда ўқиш истагида бўлган ўқувчиларимизнинг шижоатини ҳеч ҳам сўндирмаслигига ва аксинча, уларда пайдо бўлган қўшимча вақтдан унумли фойдаланиб, имтиҳонларга янада пухта тайёргарлик кўришлари учун имконият сифатида қабул қилинади, деган умиддамыз.

ЯХШИ МУТАХАССИС ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

ёхуд келажакда фарзандларимиз ишсиз қолмаслиги учун...

« Бутунжаҳон иқтисодий форуми маълумотларига кўра, 2020 йилда иш бевуричлар янги номзод танлашда юқори баҳолайдиган кўникмаларни талаб қилади. Замон шиддат билан тез ўзгармоқда. Бундай бурилишнинг асосий сабаби — технологиялар ривожланишининг тезлиги.

Бирок, экспертлар наздида роботлар мавжуд касбларни тўлиқ эгаллай олмайди, улар ўзида фақатгина маълум бир автоматик вазифаларни ақс эттира олади, холос. Мансаб поғоналаридан илдам юқорига кўтарилишни истаган инсонлар ўзларида кўпроқ инсоний хусусиятларни мужассам этишлари ва ривожлантиришлари керак. Биз ҳозир камбағаллик ва ундан қутулиш ҳақида ўйлаёмиз. Менимча, камбағаллик асосида биз болаларимизни йигирма биринчи асрга муносиб тайёрлай олганимиз ётади. Эски коллеж тизими талабга жавоб бермади. Асосан ўрта ёш аҳоли ёрдамга муҳтожлигини фикр қилайлик. Энди хато қилмаслигимиз керак. Ёшларга, айниқса янгиланаётган коллеж, лицей, олий таълимдаги ҳар қандай таълим менинг назаримда куйидаги асосий ўн муаммони ҳал этиши, яъни улар уддалай олиши керак. Гап бу ерда ишчи ёки ходим тайёрлаш эмас, балки ҳақиқий ишбошқарувчи — иш одами тайёрлаш ҳақида кетмоқда.

1. Муаммоларни яхлит ҳал қилиш

Ушбу кўникма инсонни нафақат ҳамкасблар занжирида муҳим бўлганга, балки худди машинадаги винтга айлантиради. Одам тизимли ўйлаши ва қарор қабул қила олиши лозим. У муаммони топиш, унинг омилини аниқлаш, қандай оқибатлар келиб чиқишини пайкаш имконини беради. Энг асосийси, ушбу хусусиятга эга бўлган мутахассис иш давомида қандай кўнгилсизликлар кутилаётганини тахмин қила олади ва унинг олдини олиш чораларини кўради. Экспертлар фикрига кўра, муаммоларни комплекс ҳал қилиш кўникмаси бутун 36 фоз иш ўринларида талаб қилинади. Оддий тил билан айтганда, раҳбар қўл остидаги бир иш буюрганда, уни гап чиқармасдан бекаму-кўст (*қайта-қайта савол бермасдан*) ҳал этиш. Бундай эпчил ходимни ҳамма яхши кўради, моаши ҳам юқори тўланади.

2. Танқидий фикрлаш

Технологиялар такомиллашиб бормоқда. Сунъий ақл пайдо бўлмоқда. Бирок ривожланиб бораётган робототехника имкониятлари танқидий



фикрлайдиган инсонларга бўлган эҳтиёжни фақат оширмоқда. Айнан инсон технологиядан қанчалик оптимал ва ахлоқ қоидаларида фойдаланилаётганини баҳолаши, у фойда келтириши учун қандай соझашни билиши керак. АҚТни билмаслик саводсизлик билан баробар. Унга иш ўрнини топиш кийин бўлади. Болаларимиз айтилаётган миллион дастурчидан бири бўлиши керак. Келажак касб шуларники. Буни тоза дастурчи деб тушунишмоқда кўпчилик. XXI асрда ҳар қандай касбга ёндош дастурчилик талаб қилинмоқда. Мутахассис дастурни билиши унга имтиёз беради.

3. Креативлик (янгилик яратувчанлик)

Яна бир бор сунъий интеллект дунёсидаги янгиликларга назар соламиз: Microsoft ишланмаси матни техник тошширикка асосланиб, суратлар чиқишни ўрганди. Шубҳасиз, бу бошлашни холос. Шунинг учун ҳам ҳаваскор расмоларга нисбатан эҳтиёж камайди. Ҳозир қалам, кадастр, лойиҳа, типография ҳаммаси автоматлаштирилди. Аммо ғоялар яратадиган ва вазифаларга ноанъанавий тарзда ёндашувчи ижодкор кишилар иш бевуричларда катта кизиқиш уйғотади. Улар ишсиз қолмайди. Шу ўринда автоматлаштирилган ибораси ишни инсон ва компьютерлар билан ҳамоханг бажаришидир.

4. Инсонларни бошқариш қобилияти

Нафақат ишхона ходимларини мувофиқлаштириш ва мақсадлар белгилаш қобилиятига эга бўлиш, балки буни қайси усулда амалга ошириш ҳам муҳимдир. Келажак иш бевуричларига одамларни руҳлантирадиган, уларнинг қобилиятларини ўстирадиган ва самарали жамоаларни ташкиллаштиришни уддалайдиган етакчи-лидерлар зарур. Бунинг учун яқин орада роботлар эгаллай олмайдиган ёрқин инсоний жиҳатлар талаб этилади: одамхонлик, жозоба ва ҳамдардлик, киришимлик, ёқимтойлик. Инсон кўнглини кўтариш—ярим муваффақият.



Ишда муваффақиятга эришиш учун янги танишларга мослашиш, музокаралар олиб бориш, ҳамкорлик қилиш, ғамхўрлик қилиш ва масъулиятни иккинчи шахсга юкласлик каби хусусиятларни пухта эгаллаш лозим.

5. Инсонлар билан ўзаро муносабат

Ушбу хислат келажакда ижтимоий кўникмалар муҳимлигининг умумий жиҳатига урғу беради. «Резюме»да қайд этилган «жамоада ишлаш олиш» хусусияти ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ишда муваффақиятга эришиш учун янги танишларга мослашиш, музокаралар олиб бориш, ҳамкорлик қилиш, ғамхўрлик қилиш ва масъулиятни иккинчи шахсга юкласлик каби хусусиятларни пухта эгаллаш лозим. Яхши таълим — олижаноблик асоси.

6. Ҳиссий сезгилик

Бошқаларнинг хис-туйғулари, ниятларини англаш ва уларга тўғри муносабатда бўлиш олимлар фикрларига кўра, қадим замонлардан бери умрбоқийлик қилиш ҳисобланган, тил топишига имкон берган. Инсоният учун хиссий интеллект хануз жамиятда омадга эришиш учун талаб қилинадиган асосий маҳорат бўлиб қолмоқда. Инсон ҳаётда муомалада моҳирона жавоб қайтариш, хиссий сезги бўлиш нафақат жамоа ичида, балки мижозлар ва рақобатчилар билан ўзаро муносабатларни тартибга солишда ҳам қўл келади. Оилавий ҳаётда ҳам.

7. Таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш

Маълумотлар оқими вақт ўтган сари кенгайиб борапти, шунинг учун тўпланган маълумотларни тизимлаб, таҳлил қилиши, сўнгра уларга асосланган ҳолда иш учун мукамал қарорга кела олиши мумкин бўлган ходимнинг кадри кундан-кунга ошиб бормоқда. Шунингдек, мутахассиснинг ҳулоса ясаш тезлиги ушбу малакаи баҳолашдаги асосий талаблардан биридир.

8. Одамларга йўл кўрсатиш

Инсонга ёрдам бериш йўлларини фаол излаш маҳорати хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳозирда ҳам талаб қилинади, чунки уларда инсонлар тез-тез ўзаро муносабатга киришадилар. Қолаверса, атрофдагиларга ёрдам бериш иштиёқи бутун жамоага наф келтириши мумкин бўлса, ҳамкасблар орасида ҳам муҳим бўлиши мумкин. Қолаверса, одамларга тўғри йўл кўрсатишнинг савоби улғур. Бир умр дуода қолади киши.

9. Мунозаралар олиб бориш кўникмаси

Келишмовчиликни бартараф эта олиш, ўзаро келишув таклиф қилиш, муросага келиш томонларни умумий нуқтаи назарга етаклаш қобилиятига, айниқса, компьютер ва математика соҳаларида, шунингдек санъат ва дизайн сфераларида талаб кучли бўлади, деб тахмин қилинмоқда. Маҳаллада, оилада, ишдаги жанжал файз-баракани кўтаради, сихат-саломатликни кетказди. Таълим мукамал бўлса, оғир ва босиқлик ҳам бўлади.

10. Мослашувчан тафаккур

Мутахассис бир вақтнинг ўзида бир неча ғоялар ярата олишни, кутилмаган, аммо энг мақбул йўлдан кетишни, иш жараёнига янги маълумотлар ва технологиялар киритишни ўрганиши керак. Ўзаро мулоқотда суҳбатдошнинг барча сўзларини англаш ва унинг шахсига қараб, хатти-ҳаракатлар йўналишини тўғрилай олиш имконияти кадрланади. Модомики, бизга яхши мутахассислар керак экан, улар осмондан тушиб қолмайди.

Бахтиёр КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
халқ ўқитувчиси (ЎЗА)

ЭНДИ ИНСОН ҚАДРИ ҲАМ

АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС... МИ?

Қонун посбонлари қўллаган қийноқлар бир инсон ўлимига сабаб бўлди

Ижтимоий тармоқлар ва бир қатор сайтларда Андижонда ички ишлар органлари ходимлари томонидан Андижон шаҳри, «Наврўз» маҳалласи, Маҳжурий кўчасида яшовчи 1976 йилда туғилган Алижон Абдукаримовнинг ички ишлар бўлини масида ноқонуний ушлаб турилгани, калтаклангани ва натижада вафот этгани ҳақида маълумотлар тарқалган.



Ўзи нима бўлган эди? Нима учун аҳвол шу даражага бориб етди? Нима учун ички ишлар тизими ходимлари ноқонуний ҳатти-ҳаракат қилди, каби бошқа қатор саволлар бугун барчани кизиқтириши табиий.

Мархум Алижон Абдукаримов 1976 йилда Андижон шаҳрида таваллуд топган. Савдо-сотик ишлари билан шуғулланган. Маҳалладошлари, оила аъзоларининг айтишича, маҳалланинг тўй-маъракаларида, жамоат ишларида фаол, тинч тиркчилик ўтказиб келган фуқаро бўлган. Ички ишлар бўлимида ҳисобда турмаган, дейилади ЎЗА тарқатган мақолада.

А.Абдукаримовнинг турмуш ўртоғи, 1986 йилда туғилган Махсума Абдуллаева ҳамда унинг акиси Зокиржон Абдукаримовнинг таъкидлашларича, жорий йил 29 май куни тунги 21:00 ларда фуқаро кийимида бўлган, ўзларини ички ишлар ходими, деб таништирган уч нафар киши келиб, А.Абдукаримовни куч билан олиб кетишмоқчи бўлган. Дод-фарёд солиб, йўллари тўсган хомилалар хотинини ҳам четга суриб ташлаб, турмуш ўртоғининг қўлларини қайириб, уйдан олиб чиқиб, машинага солиб олиб кетишган.

Шу воқеадан кейин хотини, синглиси қариндош-уруғларига хабар беришади. Улар вилоят ички ишлар бошқармаларига боришиб, А.Абдукаримовнинг ходимлар уйдан олиб чиқиб кетишганини айтиб, унинг қаердалигини суриштиришган. Орадан бир-икки соат ўтиб,

улар Андижон шаҳар ички ишлар бошқармаси 4-бўлини масида ушлаб турилганидан хабар топшишган. Бўлини маса бориб, сўраб-суриштиришганида А.Абдукаримов ҳақида бирор бир аниқ жавоб айтилмаган. Лекин у тонггача ушлаб турилган, мархумнинг яқинлари эса тонггача бўлини маси эшиги олдида кутиб турганлар.

Эрталаб соат 6:00 ларда бўлини масага тез ёрдам машинаси келган ва хушсиз, калтакланган А.Абдукаримов Республика шошилини тез тиббий ёрдам маркази вилоят бўлимига олиб кетилган. Касалхонада бир неча кун хушсиз ётиб, вафот этган.

– Укамнинг бирор жиноят қилганидан хабарим йўқ, – дейди А.Абдукаримовнинг акиси Зокиржон Абдукаримов. – Айтишларича, қандайдир олди-бердида воситачилик қилган, ўртада қанчадир пул йўқолган экан. Ахир бундай келишмовчиликнинг юзага келиши ҳар бир инсон билан бўлиши мумкин бўлган ҳолат. Балки, укамнинг қандайдир айби бордир ёки уйдан мажбур олиб чиқиб кетишгани учун ходимларга қаршилик қилган, сўккан бўлиши мумкин. Наҳотки, шунинг учун фуқаро ўладиган даражада калтакланса?

Биз яшайдиган маҳалла Андижон шаҳар ИИБ 2-бўлини маси ҳудудига қиради. Нима учун у 2-бўлини масага эмас, айнан 4-бўлини масага олиб кетилди. Умуман, содир бўлган воқеа бутун оиламизни оғир вазиятга тушириб қўйди. Нима бўлганда ҳам энди укамни ҳеч ким ҳаётга қайтара олмайди. Мақсадимиз,

адолат қарор топсин, айбдорлар қилмишига яраша жазосини олсин.

Ички ишлар органлари ходимларининг Андижондаги қилмиши бўйича Ички ишлар вазирлиги расмий баёнот берди. Жумладан унда шундай дейилади: *«Мазкур ҳолат юзасидан Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан зудлик билан хизмат тегишируви тайинланиб, ўтказилган тегишируви ҳулосасига кўра, фуқаро А.Абдукаримовнинг ички ишлар бўлини масида ноқонуний ушлаб турилганлиги ва бошқа ноқонуний ҳолатлар бўйича бир қатор ходимларга нисбатан кескин интизомий жазо чоралари қўлланилган.»*

Хусусан, Андижон шаҳар ИИО ФМБ 4-сон ички ишлар бўлини маси жиноят қидирув гуруҳи тезкор вакиллари қатта лейтенант Ф.Хусанбоев, қатта лейтенант Э.Ра-иймонов ва қатта лейтенант Қ.Қодиров ички ишлар органларидан бўшатишган. Андижон шаҳар ИИО ФМБ бошлиғи подполковник С.Усманов ва Андижон шаҳар ИИО ФМБ 4-сонли ички ишлар бўлини маси бошлиғи подполковник П.Мамажонов эғаллаб турган лавозимларидан озод этилган. Бундан ташқари, 19 нафар раҳбар ва ходимларга турли қўриқилган қатъий интизомий тартибдаги жазолар қўлланилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек муқаддас бурчига ҳиёнат қилган ҳеч бир ходим кечирилмайди. Юзага келган мазкур ҳолат бўйича ваколатли органлар томонидан адолатли тергов-суриштирув ишлари амалга оширилади ҳамда қонун устуворлиги ва жиноятга жазо муқаррарлиги таъминланади».

Хўш энди нима бўлади? Айбдорлар қилмишига яраша жазо оладими?

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик, фуқаролик жамиятини қуриш, қонун устуворлигини таъминлаш учун бутун халқимиз ҳаракат қилмоқда. Демократик жамиятда қонун барча учун баробар бўлиши керак. Юртимиздаги ислохотлар мазмун-моҳиятининг, жамият тараққиётининг ана шу қоидасини, энг аввало, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳар бир ходими чуқур англаб етиши керак. Зиммасидаги бурч, масъулиятни англамаган ходим халқимиз тинчлик-осойишталигининг посбони бўлган идоралар шаънига қаро доғ туширмайди, деб ҳеч ким қафолат бера олмайди.

Юқоридаги ҳолат юзасидан ваколатли идоралар томонидан текширувлар ўтказилиб, албатта, адолат қарор топишига ишонамиз.

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ

Мазкур воқеага Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул КУШЕРБАЕВ ўзининг Телеграм каналда куйидагича муносабат билдирди:

Ахборот технологияларининг кенг ривожланиши ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ортидан амалда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги ўзгаришлар сабаб, бугун кўп соҳалар қатори ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимидаги қонунбузилиш ҳолатлари ҳам жамоатчилик томонидан очик муҳокама қилинмоқда.

Турли ахборот манбаларида берилётган қийноқлар билан боғлиқ маълумотлар бу каби салбий иллатлар афсуски тизимда узоқ йиллар давом этиб бугунги кунларга ҳам улашиб кетаётганлигини кўрсатмоқда: самарқандлик аёлнинг ечинтирилиши, ички ишлар биносига одамнинг ўлиб қолиши, андижонлик фуқаронинг қийноқларга солиниши, Бош прокуратура терговчиларининг «Беқобод иши» доирасида одамларни шайқатсиз қийноққа солиши ва куни кеча Андижонда қийноқлар оқибатида бир инсоннинг ўлиши аслида инсон ҳуқуқларини таъминлашни бўйнига олган идораларнинг айрим «психологик бузилган» шахслардан оддий одамларни ҳимоя қиладиган алоҳида кучли тузилма зарур бўлиб қолганлигини кўрсатмоқда. Балки омбулсман ваколатларини ошириш керақдир. Билмадим...

Энг қизиғи тизимга нисбатан ижодий пародия қилган ижодкорларни ҳам кечирим сўраттириш даражасига етиб келган «фариншта» тизим раҳбарияти ўз ходимларни қонунбузилишнинг оғир қўриқилганга йўл қўйганда ҳам ҳокисор халқ олдида ҳеч бўлмаса бир бор кечирим сўрамаса. Манманлик ва кибр ҳам шунчаликми, ахир уларга ваколат берган, қўлларга қўтариб сийлаган шу халқ эмасми? Ваҳоланки, тизимни кулгига олган ижодкорлар ҳам танқид қиладиган бошқалар ҳам улар каби «одам ўлдириш» даражасига бориш-маяпти.


Истаймизми-йўқми, ҳар бир тизимдаги камчилик ёки ютуқ бевосита ушбу соҳага раҳбарлик қиладиган шахсларнинг қобилияти, халққа садоқат, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида ишни ташкил қила олишига боғлиқ.

Афсуски, жамоатчиликка маълум бўлиб қолган сўнгги воқеалар (аслида бундан ҳам кўп бўлиши мумкин) ички ишлар тизимига раҳбарлик қилиб келадиган шахсларнинг фаолиятига бўлган ёндашувни қайта қўриб чиқишни тақозо этмоқда. Ҳозирги вазиримизни халқпарвар, деб эшитганман. Аммо бўлиб ўтган ҳолатлар уларнинг истейфо вақти етиб келганини кўрсатяпти.

Хурматли вазиримиз халқ олдида тизимнинг обрўси тушиши, одамларнинг эътирозлари, ходимларнинг босар-тусарини билмай ИИБда қийноқ, ўлдириш каби ишларни «табиий ҳолга айланиб» боришида энг минимал даражада бўлсин айбдор. Ва биз бу каби ишларни уларнинг раҳбарлик даврида кўпроқ эшитяпмиз.

Ҳозир энг муҳими тизимни фуқаро билан инсон сифатида муносабат қила оладиган даражада ислох қилишга тайёр, Президент ташаббуси билан инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида қилинаётган ишларни юқори даражага олиб чиқишга қодир кадрлар билан тўлдириш ва ортқча юклардан халос этиш зарур.

Бизга халқ берган ваколат, Президент билдирган ишончини инсон ҳуқуқларини бузиш эмас, таъминлаш йўлида ишлатиб, халқни рози қилиш учун меҳнат қиладиган «стили ва иши бир» қонун ҳимоячилари керак.



АҚШда қотил ҳамкасби учун полициячилар тиз чўкиб кечирим сўради

Миннеаполис шаҳри полицияси вакили 25 май куни 46 ёшли афроамерикалик Жорж Флойднинг қўлга олиш чоғида унинг ўлимига сабабчи бўлган эди.

Тажриба ва бир парча қоғоз

Олий ўқув юртрага қабул яқин. Гарчи бу йил кеч қолган бўлсам-да, Халқ таълими вазирлигига бир масала бўйича минглаб ўқитувчилар фикрини етказиб қўймоқчиман.

Бу ўрта махсус маълумотли кадрларнинг махсус сиртки йўналишлари ҳақида. Махсус сиртки йўналишлари икки йил олдин бир ташкиллади, аниқ критерийлар асосида ТХТБлар баллар қўйиб берилди, бунда баллар ўзгартириб бўлмагани туфайли коррупция умуман аралашолмади, десак янглишмаймиз.

Жуда кўп ўрта махсус дипломлилар олий қилиб олишди дипломини шу баҳонада. Афсуски, бир йилгина бўлган бу иш кейин тугатилди.

Хозирда ишлаб турган жуда-жуда кўп жонкуяр ўқитувчиларни биламан – 10 йил, 20 йил ва ундан кўп йиллик стажга эга, аммо ўрта махсус маълумот билан қолиб кетган тажрибали инсонлар. Ками 30 ёшдан тортиб 40 ва хатто 50 ёшли ўқитувчилар.

Энди улар таассуфки, 2-3 йилдан сўнг мактабларда мутлақо ишга олинмаслигини билгач, бу йил янги битириб чиққан 17 ёшли абитуриент билан куч синашиб, имтиҳон топшириб, қундузги 4 йиллик таълимда ёки сирткида бошқа йўналишда ўқишга мажбур. Бир опани танийман, 5 йил топширган мана шундай қилиб...

Бу оилали, карьерасини аллақачон изга тушириб бўлган, шогирдлари ҳам институтларни битириб бирга ишлаётган, элу юртада зўр ўқитувчи сифатида танилиб бўлган устозлар учун қийин талаб, адолатсиз талаб. Чунки уларда ўқувчига бериш керак бўлган ҳамма нарса бор, улкан тажрибасини ҳеч қайси олий ўқув юртрада ҳеч ким беролмайди. Ўша бир парча қоғози йўқлигидан хозирданок мактабдаги фаолияти қил устида ишламоқда.

Исталган бу йил битириб келган олий маълумотли кадр 20 йиллик ўқитувчининг ишини олиб қўйиши мумкинлиги конунда кўрсатилган.

Биз уларнинг тажрибасидан кўз юммаслигимиз керак, ўша дипломни талаб



қилишимизни уни олишнинг ҳам осон йўлини қилиб қўйишимиз керак, худди ён қўшни мамлакатлардагидек.

Акс ҳолда икки хил йўлдан бири бўлади, ё зор йиғлаб мактабни тарк этишди ёки миллионлаб валютамизни биргина ариза билан Қирғизистон, Қозоғистон ёки Тожикистон университетларига қўшқўлаб топширишди.

Тушунимсизча, бу нарсага буюртмани Халқ таълими вазирлиги бериши керак экан. Халқ таълими вазирлигидан бутун Ўзбекистон ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар номидан илтимос қилиб қоламиз: махсус сиртки йўналишларини тиклаб беришлар!

Исроилжон ТИЛЛАБОЕВ,
блогер ўқитувчи

КАБУЛ – 2020

«Эски» битирувчилар ҳужжат топшириши пулли..ми?

Ҳа, аввалги йилда битирган абитуриентлар тўлов қилиши керак. Мактаб, коллеж ва лицейни аввалги йилларда битирган абитуриентлар бу йил ҳам тестга кириш учун тўлов қилишди. Тўлов миқдори – 111 минг 500 сўм.

Тўловни қандай тўлаш мумкин?

– Онлайн. Пластик карталар орқали онлайн тўлаш мумкин. Бунда онлайн ҳужжат топшираётганда пластик карта маълумотларини киритиб, тўлаш тугмасини боссангиз, пластик карта уланган номерга SMS келади ва шу орқали тўлайсиз;

– Банкларда. ДТМ сайтида ёки Давлат хизматлари марказида чиқариб берилган инвойс орқали исталган банк филиалларида тўлашингиз мумкин.

5 та йўналишга алоҳида тўланадими?

Йўқ, абитуриент нечта йўналишга ҳужжат топширишдан қатъи назар, фақат бир марта 111 минг 500 сўм тўлайди.

Ўқишга қира олмаса пул қайтариб бериладими?

Йўқ, бу тўлов тест жараёнларида кириш учун бериладиган тўловдир. Абитуриент ўқишга кирган ёки кирмагандан қатъи назар, бу тўлов қайтариб берилмайди.

Абитуриент тестга келмаса пул қайтариб бериладими?

Йўқ, қайтариб берилмайди.

Фақат ижодий (касбий) имтиҳон топширадиганлар ҳам тўлов қиладилми?

Йўқ, ушбу тўлов фақат тестга кириш учун тўланади. Тест мавжуд бўлмаган, фақат ижодий имтиҳонлардан иборат бўлган йўналишларга топширган абитуриентлардан тўлов ундирилмайди. Агар ижодий имтиҳонлардан иборат йўналишларни танлаган абитуриентлар адашиб тўлов қилиб қўйса, уларга пуллари қайтариб берилади.

Кимлардан пул олинмайди?

Ногиронлиги бўлган ёки тўлиқ давлат таъминотидаги шахслар тўловдан озод этилади.

Ҳуқуқшунос Ҳушнудбек ХУДОЙБЕРДИЕВнинг
Telegram каналдан олинди.

АЙТДИМ, ҚЎЙДИМ-ДА...

ЖИНҒИЛНИ ҚАНДАЙ АСРАБ ҚОЛАМИЗ?

Дашту далаларни айланиб бўлиб, Мирзачўл тумани маркази Гагарин шаҳридан Жиззах томон қайтмоқда эдик. «Мирзачўл-Жиззах» катта йўли ўнгу сўлидаги ариқ ва катта йўл ёқаларида сон-саноқсиз саф тортган жинғил (юлгун) буталари учрайди. Офтоб тигида дош бериб кўкка бўй чўзаётган ушбу буталар чоратрофга ўзгача кўрк-тароват бағишлайди.

Бу бутазорлар қанчадан-қанча судралиб юривчилар ва бошқа жонотларга муқим бошпана, озуқа ва емиш топишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Юзлаб турдаги фойдали хашаротлар учун керак пайтда хавф-хатарлардан асрайдиган жой ҳисобланади жинғил буталари. Мирзачўлнинг ҳақиқий кўрби бўлган бу бутасимон дарахт ҳозирги кунда зовурларнинг қирғоқларида ҳам топилди.

Кейинги йилларда ғалладан бўшаган экинларга ўт қўйиб юборилиши оқибатида бу ўсимликка ҳам жиддий зиён етмоқда. Баъзида эса зовурларнинг химоя зоналарига ҳам атай ўт қўйиб юборилган. Ўт-ўланга қўшилиб жинғиллар ҳам ёниб, зовур атрофини файсиз ҳолатга келтириб қўймоқда. Оқибат, шу атрофдаги ҳайво-

нат дунёсига ҳам катта зарар етляпти.

Одатда қушлар жинғилга ин қурмайди. Аммо қанотли дўстларимиз уни устида полапонлари билан учиб-қўниб ўйнашни хуш кўради. Сирасини айтганда, жинғил Мирзачўлнинг энг керакли ўсимлигидир. Жинғилзорлардаги жониворлар миграцияси қандай кечаяпти? Улар ушбу жараён чоғида бошқаларни сиқиб қўймадилми? Ёки бошқа жойда кўпайиб кетмадилми? Шу сингари талай саволлар кўпу, аммо жўяли жавоб йўқ.

Сўнгги пайтларга келиб, жинғил ўсимлиги аҳоли баттар хароблаша бошлади. Тўғрироғи, қўлига болта ушлаган одам йўл ва зовур бўйларини яшилатиб, чиройли этиб турган минг-минглаб буталар остидан кесиб кетишнинг зап хадисини олди.



Оқибат бир-бирига «қўл бериб», яқин ўсган ўсимлик йўқлик сари завоп тутмоқда. Унинг сони йилдан-йилга камайиб, йўқолиб бормоқда. Тўғри, дастлаб киш қушлари аҳоли ноилжликдан, уйини иситиш учун бу ишга қўл ураётгандир, деган фикрда эдим. Аммо бу ўсимлик йўқолишига сабаб, асосан, экинларга ҳалақат беради, деб уни остидан чопиб ташланаётгани экан.

Ҳар йили қишда аҳоли орасида жинғил ва бошқа ўсимликларни кесмаслик, уни нобуд этмаслик масаласи кўтарилди. Чунки, табиатда ҳар бир турнинг ўрни, вазифаси бор. Бор-

дию, нимадир бўлиб ўша муво-занаат бузилгудек бўлса, унинг жабрини одамзот тортишга маҳкум. Афсуски, орамизда она табиатга мислсиз зиён-захмат етказишдан тоймайдиган, қулқосиз инсонлар оз бўлса-да учраб туради. Мабодо сиз уларга «Оғайни сиз, нотўғри йўл тутаяпсиз», деб айтгудек бўлсангиз, дарҳол «биттагина бута кесилгани билан осмон узилиб ерга тушармиди», дея жиртақлик қилади. Қолаверса, очик, яйдоқ далада ўсган жинғилларга «қўз-қулоқ» бўлишнинг иложи йўқ. Инсофни ҳар кимнинг ўзига берсин.

Аслида биз учун кичик, майда масаланинг ўзи йўқ. Шундай бўлгач, йўл ва ариқ ёқаларига ажиб бир жозиба, уйғунлик бахш этиб турган жинғилни йўқотишга зўр бермайлик. Зеро, биз бугун асраган ўсимлик эртанги авлод кўзини қувонтиради. Фақат сўз билан, тушунтириш билан бирор бир натижага эришиш қийин. Кўпчилик биладими-йўқми Жиззах, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл катта асфальт йўли бўйи яқинидаги аҳоли жинғилни таг-томири билан чопиб олиб кетаяпти. Шу вадан қуйидаги тақлифларни баён қилмоқчиман: Аввало, аҳоли ўз вақтида газ ва кўмир каби табиатга қирон келтирмайдиган ёқилга махсуслотлари билан таъминланиши керак. Ўсиб келаётган ёш авлодга экологияга оид қонуларни шунчаки, юзаки эмас, чуқурроқ ўргатиш, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртрада экология илминдан сабоқларга жиддий эътибор қаратиш. Яна, ҳар бир вилоят ва туманларнинг ўз «Қизил китоби» бўлса...

Ана шунда бугунги экологик қалтис вазиятнинг илдиизига болта урилиб, муаммолар қисман бўлсада қамарми?!

Луғубек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» муҳбири

ПАНДЕМИЯ ЧЕКИНМОҚДА...МИ?

«Сўнгги илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, коронавируснинг тажовузкорлиги борган сари пасаймоқда. Бу эса, COVID-19 пандемиясининг иккинчи тўлқини бўлмаслигига умидуйғотади, дейди таниқли италиялик вирусолог, Миландаги Vita-Salute San Raffaele университети проректори Массимо Клементи.

«Шифокорларимиз май ойида касаллик тарқалишининг тезлик билан сусаяётганига эътибор беришган эди. Бу ерда гап нафақат касалланаётганлар сонининг камайиб бораётгани ҳақида бормоқда, балки тезкор даволаш бўлимида даволаниши талаб қилинган, жумладан, ўпкаси шамоллаган касаллар сони ҳам қисқаргани назарда тутилмоқда. Бироқ уйда даволаса бўладиган коронавирусга чалинган беморлар сони кўпайган», – деди профессор.

Клементининг таъкидлашича, клиник манзаранинг бу қадар жиддий ўзгаргани ўзининг илмий изоҳини талаб қилмоқда. «Биз кичикроқ тадқиқот ўтказдик, унда 15 мартдан 15 апрелгача касалхонага ётқизилган 100 фоиз беморни май ойининг иккинчи ярмида касалхонага ётқизилган 100 фоиз бемор билан солиштириб кўрдик. Натигада шу нарса маълум бўлдики, дастлабки даврдаги вирус келтириб чиқараётган касалликларнинг оғирлик даражаси май ойининг иккинчи ярмидагига қараганда 10 баробарга юқори бўлган. Ушбу натижа жуда муҳим аҳамиятга эга», – дея таъкидлайди олим.

Клементининг фикрича, клиник манзаранинг яхшилланиши вирус таҳдидининг сезиларли равишда пасайиб



бораётгани билан бирга кечмоқда, бу бизга коронавирус орта чекинмоқда, деб хулоса чиқаришимизга асос бўлаётти. «Тўғри, ҳозир ушбу хулосани ишонч билан таъкидлай олмаيمиз, бироқ фаразимиз шуки, воқеалар ривожини шунга қараб бормоқда», – дейди у.

Олимнинг таъкидлашича, вируснинг кучсизланиши ҳақидаги хулосани, эпидемиянинг турли босқичларида турган, кўплаб мамлакатлардан келган маълумотлар ҳам тасдиқламоқда. У шунингдек, яқинда Лондон шаҳрида бир гуруҳ олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларини ҳам эслади.

Лондонлик олимлар Хитой, Европа ва АКШда аниқланган вирус геномининг турли секвенциясини ўрганиб, пандемиянинг босқичларини таҳлил қилиб кўришган.

«Британиялик ҳамкасбларимиз шу нарсани аниқлашдики, вирус геноми-

нинг мутациялашадиган алоҳида бир хулуди бўлар экан. Гап гомоплазия деб номланган феномен ҳақида бормоқда. Бу эса, вирус жуда қайишқоқ ва инсон организмга турли мутация йўли билан мослаша олишини исботламоқда», – дейди микробиолог.

Доктор Клементи ушбу маълумотларни пандемиянинг ривожланиш истиқболлига тегишли жуда муҳим янгилик деб атади. «Гап шундаки, юқорида таъриф берилган жараён жуғрофий ҳолати ва эпидемия босқичи турлича бўлишига қарамай, барча мамлакатларда бирдек кечмоқда. Барча минтақада вирус эволюцияси бир жойда тезроқ, бошқа жойда секинроқ бўлса-да, лекин фақат битта йўналишда ҳаракат қилмоқда. Демак, мазкур жараён вируснинг патоген салоҳияти камайишига олиб келади. Вируснинг тажовузкорлиги борган сари пасаймоқда, у мослашмоқда ва кучсизланмоқда», – дейди профессор. Унинг фикрича, янги вирус яқин орада шу даражада кучсизланадими, «қудди бошқа вирусларга ўхшаб, инсонлар ҳар йили хасталанадиган оддий респираторли касалликка айланади».

Пандемия кипша яқин яна кучаядими, яъни иккинчи тўлқини рўй берадими, деган саволга жавоб берар экан, Клементи иккинчи тўлқин бўлмаслигидан умид қилаётганини таъкидлади. «Агар вируснинг ривожланиши биз юқорида таъкидлагандек кечаётган бўлса, у ҳолда келаётган куз ёки кишда ҳозирги вазият тақрорланмайди», – деди у «РИА Новости» билан уюштирилган суҳбати чоғида.

«Ўзбекистонда коронавирусга чалинган беморларни даволаган тиббиёт ходимлари ва даволаниш курсини тугатган беморларни реабилитация курсларисиз уйларига кузатиш бошланди. ССВ бу амалиёт дунёда фақат Ўзбекистонда қўлланилгани ва унга зарурат йўқлигини маълум қилди.

Соғайганлар тўғри уйига боради

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот котиби Фуркат Санаев коронавирус инфекциясига чалинган беморларни даволаган тиббиёт ходимлари ва даволаниш курсини тугатган беморлар 14 кунлик реабилитация курсларисиз тўғридан-тўғри уйларига кузатила бошлагани юзасидан изоҳ берди.

Қайд этилишича, аслида тўлик даволанишдан кейин, вирус организмдан батамом чиқиб кетганидан сўнг 14 кунлик реабилитация амалиёти фақат Ўзбекистонда эҳтиёт чораси сифатида қўлланилган. Ҳатто дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам нафақат бу амалиёт, балки коронавирусга чалинганлар ҳам фақат оғир ҳолатлардагина шифохонага ётқизилади, колган пайт керакли доридармонлар тавсия қилиниб, уйда даволаниш буюрилади.

Ўзбекистонда вирусга чалинган ҳар қандай бемор белгиланган муддатда жиддий кузатув остида тўлик бепул даволанади. Даволаниш сўнггида вирус бўйича текширувлар манфий натижа берганидан кейин ҳам бу намуналар пойтахтдаги СЭОМнинг махсус вирусология лабораторияларида қайта таҳлилдан ўтқа-

зилади ва фақат шундан кейингина узил-кесил таҳлис қўйилади. Ана шундай тақрорий чуқурлаштирилган текширувдан кейингина бемор тузалган ҳамда хавфсиз ҳисобланади.

Ўз навбатида, ушбу беморларни даволаган тиббиёт ходимлари ҳам ана шундай тақрорий текширув таҳлилларидан ўтишади.

«Энди реабилитация амалиёти тўхтатилганига келсак, тажриба бу амалиётга зарурат йўқлигини кўрсатди. Чунки реабилитацияга вирусдан батамом халос бўлганлар жўнатиладиган ва улар орасида касаллик қайталанмиш ҳолати ҳам кузатилмади. Шундан кейин бу тажрибадан воз кечилди», – дейилади баёнотда.

«Эндилликда беморлар ҳам, тиббиёт ходимлари ҳам уй шароитида тиббий кузатувга олинади», – дея аниқлик киритди Фуркат Санаев «Азета.uz»га.

Аввалроқ соғлиқни сақлаш вазир Алишер Шодмонов коронавирус беморлари учун ажратилаётган маблағлар миқдори ҳақида маълумот берар экан, ҳар бир бемор учун реабилитация курсларига 2,8 млн. сўмдан йўналтирилаётганини хабар қилган эди.

«Зарарланган ўпка қайта тикланади»

«COVID-19» вируси ушбу касалликни бошдан кечирган кишилар ўпкасига жиддий зиён етказар экан. Бундай хавф нималардан иборат экани ва зарарланган ўпкани қандай қилиб тиклаш мумкинлиги хусусида россиялик таниқли шифокор Александр Карабиненко ўз фикрларини билдирди.



«COVID-19» коронавирусининг нафас тизими ипини қийинлаштирадиган, ўпкани жароҳатлайдиган хасталик ҳисобланади. Ҳозир ер юзиде мазкур вирусга чалинган аниқланганлар сони 7 миллиондан ошиб кетди, улардан 3 миллиони тузалди. Афсуски, соғайган беморларда бошқа турли муаммолар пайдо бўляпти», – дейди Россия Миллий тиббий тадқиқот университети

профессори, пульмонолог Александр Карабиненко.

«Коронавирус инфекциясини енгиб ўтган ўпқада, худди пневмониянинг оғир шакли, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги тез-тез хуруж қилиши, интертисиал хасталиклар сингари бошқа яллиғланиш касалликларидан сўнг юз бергани каби фиброз ўзгаришлар кузатилади. Бундай беморларда узок вақт тикла-

нишни талаб этадиган тизимли ўзгаришлар кечади», – дейди мутахассис.

Ўпканинг «COVID-19»дан кейинги тикланиш жараёни 2009 йилда кузатилган глобал пандемия – N1H1 гриппи асоратларига ўхшаб кетаркан. Карабиненко одамлар ўша даврда қандай ўзларига келишгани ва бундан ҳозир қай тарзда амалга ошириш мумкинлиги ҳақида ҳам маслаҳат берди.

«Нафас гимнастикаси ва кувватлантирувчи режим ман этилмади. Бундай муолажаларни «COVID-19»дан соғайганлар зиён етган органни тизимли равишда тиклаш учун қўллаши мумкин, фақат бундан ҳар ким ўз жисмоний имкониятидан келиб чиқиб бажариши лозим. Ҳолатни қандай қилиб яхшилаш мумкин? Бунинг учун фақат маълум бир вақт керак. Масалан, N1H1 чўчка гриппидан кейинги фиброз жароҳатлар битиши учун бир ярим-икки йил талаб этилган. Айримларда эса ўпка фаолияти ҳалиям тўлик тикланмаган», – дея қўшимча қилган пульмонолог.

«КАЛЛАСИЗ» ХОТИН

бўлдики энди?! – деб Абдурахмон отамга гал бермай ҳадеб ўзиникини маъқуллар, отам бўлса, уни жимгина эшитиб ўтирарди. Ахийри отамга навбат тегиб, бошини ҳам қилиб:

«Кўшимиз бўларди. Исми Оллаберган. Ота-онасидан эрта етим қолиб кўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг ёрдами билан вояга етиб уйланди. Маҳалланинг «ўғли» бўлгани боис ҳамма уни яхши кўрарди. Рўзғорида кам-кўсти борми ёки ҳашарми, дарҳол бориб кўмак беришар, Оллаберган ҳам ким бир юмушга айтди дегунча бориб, беминнат хизмат қиларди.

Келин ҳам шу кишлоқлик Абдурахмон деган кишининг кизи эди. Орада уларнинг бир ўғил ва бир кизи дунёга келди. Аммо нимагадир Оллаберган хотини билан келиша олмас, уйдан кунора жанжал аримасди. Тўғрироғи, унинг хотини «огзи очик», дилдороз бир жувон эди. Эрни эрим демас, ҳадеб етимлигини юзига солиб, катта кетарди, шу сабаблими, уларнинг уйда кунора можаро эди. Келин шу икки-уч йил ичида жанжаллашиб, уйига кетиб қолган пайтлари ҳам кўп бўлди. Гоҳ маҳалла, гоҳ отам аралашиб келиннинг отаси Абдурахмонга минг бир тавалло қилиб, келинни олиб келиб қўшиб қўйишарди.

Кунларнинг бирида уларнинг оиласида яна жанжал бўлди шекилли, ховлисидан баланд-баланд овоз чиқа бошлади. Оллаберган ака билан девор-дармиён кўшимиз. Уларнинг ховлиси шундоқкина богдевордан кўриниб турарди. Отам иккаламиз томорқада ишлаб юриб, бу жанжални эшитиб турардик. Отам бирпас ишини тўхтатиб ўша ёққа кулок тутди. Мен ҳам жимиб қолдим. Эр-хотиннинг гап сўзларидан жанжалнинг нима сабабдан келиб чиққани маълум бўлди. Оллаберганнинг аёли қариндошининг тўйига катта гилам олиб борадиган. Оллаберганнинг шу гиламини олиб боришга пули йўқлигидан хотинига ҳадеб бир нималарни тушунтиришга тиришар, аммо хотини қани энди унинг гапига қўна қолса. Рўзғорда ахир эрининг бир ўзи ишласа. Бир ёнда бола-чака. Ҳамон аёл ўз айтганидан қолмас, баланд-баланд гапириб, эркакнинг шаънига тегадиган гаплар айтиб бакирарди. Ахир бўлмади, Оллаберган уни уриб, шекилли, у баттар бақира бошлади. Бу шовқинга бир-икки қўни-қўшни ҳам чиқшиди. Мен отамга «сиз ҳам боринг, ана, Куронбой оға ҳам шу ерда», дедим нариги қўшимизни ўша ёқдалигини кўриб. Отам

бирпас ўйланиб турди-да: «Эй ўғлим, эр-хотиннинг орасига эси кетган тушади, дейишган машойиҳлар», деб яна ишини давом эттирарди.

Аммо шу пайт Куронбой ака богдеворнинг нариги томонида туриб, отамни чакирди. Отам ишини тўхтатиб, улар томонга ўтди. Кўни-қўшни бир бўлиб уларга тушунтиришга уринишар, аммо аёл на отамнинг, на бошқа қўшиларнинг гапини эпитарди. Бир шалалоқ еган шекилли ҳадеб эрига қараб «қаматаман, камокда чиритаман», деб оғзидан кўпик сочиб бакирарди. Бу аёл уриш-жанжалдан беҳабар кишида ташқаридан қараганда эри ўласи қилиб қалтақлагандай тасаввур уйғотарди. Аёл ҳеч кимнинг – ҳатто, отамнинг ҳам таваллосига кулок солмади. Кўч-кўронини кўтариб, иккала боласини етаклаб кетиш тадоригини кўра бошлади.

Кўни-қўшилар гапи ўтмағач, бу ерда туриш бефойдалиги учун аста-секин тарқалишди. Отам ўшанда «калласиз аёл экансан, хайф сенга шундай иморат, шундай рўзгор, шундай эр», деб чиқиб қайтган экан.

Аёл барибир ўз билганидан қолмай отасиникига кетиб қолди.

Орадан ойлар ўтди. Аммо Оллаберганнинг хотинидан кўнгли совиған шекилли лоқал бир марта ҳам хотинини излаб бормади. Уйни қулфлаб томорқасини бизга топшириб, бошқа юртга ишга кетди. Олти ойми, етти ойми, ўша ёқларда ишлаб қайтди. У пайтда томорқасига экилган барча экинлар пишиб етилган, фақат уларни териб олиш қолган эди. Шунда бир кун Оллаберган:

– Ота, эккан экинларингиз пишиб етилди, йиғиштириб олинглар, исроф бўлиб, чириб-нетиб қолмасин, – деб қолди.

– Э, ўғлим, ўзингга буюрсин. Келинни



олиб келгин. Болаларинг билан мазза қилиб енглар, – деди.

– Йўқ, ота, боргим йўқ, кўнглим жуда совиған. Аммо...

– Ҳа, ана шу «аммо»си бор-да, болам, икки қоракўзинг бор, увовли ёмон-да, боргин, агар келмаса, ўзим бораман, – деди отам.

Хуллас, отам Оллаберганни қўярла-қўймай қайнотасиникига жўнағди. Кечкурун уйда отам билан чой ичиб ўтирсак, Оллаберган бўшашиб кириб келди.

– Юбормади, ота, қайнотам сизни келсин, деди. «Калласиз хотин эмишман, қўшимиз Магмурод ота айтди», дебди келиннингиз. Шу киши келсин, қаллам борми-йўқми топиб берсин, кейин бораман, дебтганмиш.

Отам соқолини силаб ўйланиб қолди.

– Эр-хотиннинг орасига эси кетган тушади, деган эдия отам раҳматли, – деди отам қийнаётиб менга эшиттириб. – Энди нима бўлсаям гуноҳи менинг гарданимда экан, ялиниб-ёлвориб бўлса-да, келинни олиб келмасак бўлмас.

Кечкурун отам Оллаберганни эргаштириб унинг қайнотасиникига қараб йўлга тушишди.

– Магмурод, ўзинг яхши одамсанку, аммо тилинг бир жойда турмайди, – дебди дабдурустдан Абдурахмон ака отамга зарда қилиб. – Нима қиласан эр-хотиннинг орасига тушиб. Нима, сен каллал, биз калласиз

– Мулла Абдурахмон, ёшлигимиздан дўстмиз, шу пайтгача сан-манга бормадик. Агар мендан ўтган бўлса, кечир, сен ҳам кечир, кизим, буларнинг оиласини қўш, норасида болалар етим бўлмасин, – дебди.

Абдурахмон домла ҳам ўзи тенги одамни узр сўраб туриши кўнглини юмшатишим ёки анча пайтдан буён бу текин томоқларни бокиб ўтириш жонига текканми, кўёга жуда кўп танбехлар бериб, қизини уларга қўшиб жўнағди.

Шу воқеадан сўнг отам анчагача ўзига келолмай юрди. Оллаберган хотини билан яшай бошлади. Орада бир киш, бир ёз ўтди. Оллаберган яна четларда ишлаб келди. Аммо барибир эр-хотиннинг моши пишмади. Кейинчалик расман ажрашишди. Оллаберган ҳам мўмин-қобил, ювошгина жувонга уйланди. Олдинги хотини иккита норасидасини Оллаберганга ташлаб шахарлик, хотини ўлган бойваччага эрга тегиб кетди.

У ерда ҳам тилининг дастидан қувилди. Ундан кейин ҳам уч-тўрт эр қилди. Аммо ҳеч қаерда ҳам ўнгишмади. Ахийри, яна отасининг олдига келди. Бир кун орқаворатдан Абдурахмон аканинг: «Магмурод тўғри айтган экан, ҳақиқатан ҳам калласиз аёл экансан», деган гапини эшитиб қолдим.

Отамнинг донолигига яна бир бор тан бергандим ўшанда.

Болтабой МАТҚУРБОН

НАҲОТКИ?!

ОЛИМЛАРНИ ҚОЛДИРИБ ДОҒДА

«Олимлар «аёлларнинг хиёнатга мойиллигини бармоқ узунлигига қараб аниқлаш мумкин», деган хулосага келишди.

Оксфорд университети мутахассислари тадқиқот ўтказиб, чап қўлининг кўрсаткич бармоғи номсиз бармоғидан узунроқ бўлган аёллар ўз жуфтга хиёнат қилишга мойил бўлишларини аниқлашди. Жами 474 нафар киши иштирок этган тадқиқот натижалари Biology Letters нашрида келтирилган.


Натижаларга кўра, хиёнат қилишга мойил бўлган хонимларнинг кўрсаткич бармоғи номсиз бармоғидан узунроқ бўлади. Бироқ эркакларда шунга ўхшаш боғлиқлик кузатилмаган.

Олимлар аниқлашча, бармоқлар узунлиги ўзаро муносабати аёллар жинсий гормони эстрогенлар даражасини акс эттирган.

Бу дунёнинг нариги бурчагидаги бир гуруҳ олимларнинг тадқиқот натижаси, холос. Уни қандай қабул қилиш, ишониниш-ишонмаслик ҳар кимнинг ўзига тан.

Қадимги хикоятлардан бирида аёлининг хиёнатга йўл қўймаслик учун қажавага солиб, бошида кўтариб юрадиган эр қаҳида гап боради. Эри аёлни бошидан ерга қўйиб, егулик келтиришга кетганида аёл яна «нобоп иш»га қадам босади...

Юқорида келтирилган тадқиқотда олимлар аёлнинг бармоғи унинг феъли-саъжиясидан дарак беради, дейишди. Балки бу фикр тажрибада иштирок этган аёллар учун ўринлидир. Аммо ҳар нафасида худди баҳор осмонидек тов-



ланиб-ўзгариб турадиган аёл зотининг тийнатидаги барқарор бир саъжияни аниқ тусмоллаш имкони бормикан?. Баъзида аёл кишининг ҳатто ўзи ҳам нима хоҳлаётганини билмаган

холда унга ташқаридан ташхис қўйиш, ҳукм чиқариш қанчалик ўринли?

Бу – масаланинг бир томони. Иккинчи ва мураккаб томони эса хиёнатларга бирёқлама,

ноҳолис ёндашувдир. Бундай ҳолларда хиёнат қаҳида гап кетса, фақатгина аёл айбланиди. Нега? Қарс бир қўлдан чиқармиди?

Шундай аёллар борки, улар хиёнатни ҳатто тасаввурига ҳам сиғдира олмайди. Яна шундай аёллар борки, уларнинг кирдикорини ҳеч қандай тадқиқот аниқлай олмайди. Улар қилни қирқ ёрадиган ҳар қандай олимни доғда қолдириб кетади. Нафақат бирров ўтказилган тадқиқот, балки бир умр бирга яшаган умр йўлдоши ҳам чув тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Аёл киши асли-наслида «тоза палак»ларга мансуб бўлса, ҳаёт синовларидаги турли тўфонлар уни йўлдан чиқара олмайди. Акс ҳолда, уни тўғри йўлда ушлаб туриш ҳам имконсиз. Ҳар бир аёл муҳтарам она, опа, сингил, рафика, фарзанд сифатида эркаклар эҳтиромиде яшар экан, уларнинг нобоп йўлларга оғиб кетишига эҳтиёж қолмайди.

...яна ким бошан...

Фирдавс ШОМАНСУРОВ,
Жиззах вилояти

КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ «МАЪНАВИЙ ВАКЦИНА»

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ ҳазратларининг бевосита ташаббуси ва умумий таҳрири остида «Вабо – инсонлар учун бир синов» номли янги китоб нашрдан чиқди.

Аллох таоло инсониятни иродали ва қатъиятли қилиб яратган. Одамзот ҳар қандай вазиятга қўниқиб, ҳар турли бало-офат, ўлат ва мусибатни осонликча енгиб ўтиши мумкин. Бунинг ҳам ўзига яраша шартлари бор. Аввало, табиийки, бу борада Аллох таоланинг каломига, суюкли Пайғамбаримизнинг суннатларига, улуғларнинг ҳаётий тажрибаларига эргашилади. Энг муҳими, жорий этилган қатъий қоидаларга риоя қилиш шарт.

Хабарингиз бор, орадан беш ойдан зиёдроқ вақт ўтган эса-да, ҳануз бутун дунё коронавирусга қарши кураш олиб борапти. Қатъий чоралар қўлланиши туфайли бу офат биров чекинган бўлса-да, бирик қарантин талаблари юмшатилиши билан бу бало яна дарров бўй кўрсата бошлапти.

Сўнгги кунларда юртдошларимиз қарантин қоидаларига риоя қилишда суст-кашликка йўл қўйишгаётгани оқибатида аҳоли орасидан ҳам касалланганлар аниқланипти. Бу ташвишланарли ҳол, албатта. Касалликка чалинганлар ҳақида келтирилган рақамлар шунчаки сонлар эмас, балки улар ортида қанчадан-қанча маъсум инсонларнинг, мушгипар кексаларнинг, бегуноҳ гўдакларнинг тақдирини келтирипти.

Бутун дунё халқлари коронавирусга қарши вакцина ишлаб чиқиш учун бор куч-ғайратини, маблағини сафарбар қилаётган, тиббиёт ходимлари ҳафталаб, ойлаб лабораториялардан чиқмай, изланишлар олиб бораётган бир пайтда муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари бошчилигида Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан, таъбир жоиз бўлса, коронавирусга қарши «маънавий вакцина» ишлаб чиқилди.

«Вабо – инсонлар учун бир синов» китоби шуни билан аҳамиятликки, ундан ўқувчи «Коронавирус қандай касаллик?», «Пандемия нима?», «Вабо рўй берса, қандай йўл тутиш

керак?», «Тарихимиздаги даҳшатли ўлат қандай даф этилган?» каби саволларга ҳам диний, ҳам тиббий, ҳам замонавий жиҳатдан аниқ жавоблар олади.

Бир мавзунинг ўз вақтида, батафсил, ҳар жиҳатдан очиб берган асар қўлма-қўл мутолаа қилинади, дейишади. Ҳақ гап. Ушбу асарнинг аҳамияти шундаки, унда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг коронавирус (COVID-19) инфекция тарқалишининг олдини олиш бўйича Фатвоси ҳам ўрин олган. Буни бугунги шароитда ҳар бир мўмин-мусулмон киши ўқиб билиб олиши шарт.

Иссик жонни иситмасиз, ҳаётни ўлимсиз тасаввур қилиш қийин. Бундай вазият (коронавирус инфекция туфайли жорий этилган қарантин)га илк марта дуч келямиз (бошқа дуч келмайлик, ишио Аллох). Бундай пайтда жаноза ва дафн маросимлари қандай ўтказилади? Мабодо, коронавирус инфекциясини юқтириб олган бемор вафот этса, у қандай дафн этилади?

Албатта, бундай саволлар бошига шундай иш тушган кишиларни ўйлантириши табиий. «Вабо – инсонлар учун бир синов» китобида ана шу ва бошқа муҳим саволларга жавоб топишингиз мумкин.

Хуллас, мутолаа муҳибларининг китоб жавонлари яна бир дурдона асар билан бойийдиган бўлди. Янги асар Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли янги очилган «Шамсуддинхон Бобохонов босмаханаси» маъсулияти чекланган жамиятида чоп этилди. Китобга А.Хўжамов, Т.Низомов, Ж.Шодиев муҳаррирлик қилган бўлиб, иборалар халқчил, содда ва тушунарли шаклда берилган.

Ушбу асар кенг доирадаги китобхонларга мўлжаллангани билан янада аҳамиятлидир. Аллох таоло ушбу китобни барчамизга муबारак қилсин.

ВАБО- ИНСОНЛАР УЧУН БИР СИНОВ



ЯНГИ КИТОБЛАР

«Тиб қонуллари»

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонуллари» китоби беш жилдан иборат ҳолда нашр этилди.

Мазкур учинчи нашр «Қонун»нинг иккинчи нашри асосида тайёрланди. Изоҳ ва кўрсаткичлар қайта кўриб чиқилди. Нашрга муқаддима сифатида У.Каримовнинг II нашр муқаддимаси учун ёзган «Ибн Синонинг ҳаёти ва ижоди», В.Жумаевнинг «Ибн Синонинг умумий клиник қарашлари ва уларнинг назарий асослари» номли тақдиротлари ҳамда К.Каримовнинг учинчи нашр учун тайёрланган «Ибн Сино ва замонавий табобат» номли мақолалари берилди.

Китобдан фойдаланиш кўпчилик учун манфаатли бўлиши учун арабча, форсча ва юнонча сўзларнинг кўпи изоҳларда тушунтирилган. Дори моддалар ҳақида тўларок изоҳларни «Қонун»нинг иккинчи ва бешинчи китобларидан, касаллик номларига оид истилоҳларнинг изоҳини эса учинчи ва тўртинчи китобларидан топиш мумкин. Оғирлик ўлчовларининг миқдорини тушунтирувчи жадвал «Қонун»нинг иккинчи китобига илова қилинади.

Бурчакли қавсга олинган сўзлар баъзи бир жумла ва ибораларни тушуниш осон бўлсин учун таржимон ва муҳаррирлар томонидан қўшилган.

«Мукаммал хотира»



Кучли хотирага эга бўлишни ис-тамайдиган киши топилмаса керак. Дарҳақиқат, кучли хотира инсон муваффақиятларининг қалитидир. «Академнашр» нашриётида чоп этилган «Мукаммал хотира» китоби айнан ана шу қалитни қўлингизга тутқазувчи ноёб маълумотларга бой.

Китоб муаллифи Шохрух-Мирзо Раҳмоновнинг таъкидлашича, хотирани мустаҳкамлаш борасида ҳақон тажрибасига омихта қилинган машғулотлар билан мунтазам шуғуллансангиз, тасаввурингиз кенгайиб, эслаб қолиш қобилиятингиз ошиб бораверади. Бу ишда сизга китобдаги тавсиялар яқиндан ёрдам беради.

Китоб кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган. Китобни баддий асарларни Нодирабегим Иброҳимова тўплаган.

ТААССУФ...

МИЛЛИЙЛИККА ТАҲДИД СОЛАЁТАН «МОДА»

Бугун «мода»лар замони десак ҳам бўлади. Илгари фақат кийинишда бўлса, ҳозир гаплашиш, юриш-туриш, умуман ҳаёт тарзи, ҳатто қўлингиздаги матоҳ – телефон тутишгача «мода»га риоя қилинмаса замондан орқада қолиб кетгандек ҳис этасиз ўзингизни.

Аслида «мода» – бирор янги нарса кўпчилик томонидан оммавий қўлланилиши, яъни урфга кириши дейиш мумкин. Сумка тутиш, кўзойнак, кийим-кечак ва бошқалар. Ҳозир гапириниш оҳангию, ижтимоий тармоқлар орқали ёзилишининг ҳам ўз «мода»си пайдо бўлган. Жамоат жойларидаги баннерлар ва ОАВда реклама қилиниши ҳам «мода» элементларини қўллаш урфга кирган. Чунки реклама – бу жар солиш, овоза қилиш, деган маънони англатади. Шу сабабли бирор буюм ёки хизматнинг бошқалар ўртасида урф бўлишида реклама ниҳоятда катта роль ўйнайди.

«Мода»га риоя қилиш ёмон... ми?

Кўпчилик «мода»нинг кетидан қувшиш яхши эмаслигини айтади. Хўш, нима учун?

Сабаби, янги чиққан ва омма ора-

сида урф булган ҳар қандай маҳсулотни сотиб олавериш яхшиликка олиб келмайди. Шу ўринда кичик бир мисолни, яқин ақамизнинг менга айтиб берган воқеасини келтирсам:

– Қизим 19 ёшда. У «харид қилиш «касалиги»га чалинган. Замонавий услубдаги қандай қўйлак, кийим-кечак пайдо бўлса, дарров олиб беришимизни талаб қилади. Энг ачинарлиси, бир марта кийган кийимини қайтиб киймайди. Янгисини олишга интилиб жанжал кўтаради. Уни психолог кўригига олиб боришга мажбур бўлдик.

– Қизингиз шопоголизмга чалинган. Шопоголизм «мода»га, яъни янгиликка ҳаддан ташқари ўчликдир, – деди психолог.

Шундан сўнг психолог менга шундай савол берди:

– Қизингиз ёшлигида нимани сўраса, сўзсиз олиб бергансиз ва бажаргансиз, шундайми?

– Афсуски, ҳа! – дея жавоб бердим.

– Демак, қизингизнинг бу психологик муаммога, яъни харид қилиш васвасасига тушиб қолишида сизнинг катта «ҳисса»ннгиз бор!..

Демак, ҳадеб «мода» тенденцияларига риоя қиллаверингиз ҳам касаллик экан. Бир сўз билан айтганда, «мода»га ҳаддан ташқари ружу қўйиш катта исрофгарчиликка сабаб бўлади.

«Мода»га риоя қилиш яхши... ми?

Наврўз байрамини жуда яхши кўраман. Йигитлар эғнида бекасамдан чопон, жийда (жусоа энгли, чопонга ўхшаб тикилади), бошида дўппи. Қизлар эса атлас, адрас каби миллий либосларни кийишади.



Янги куннинг бошланиши (тенгунлик)да бу миллий матоларимиздан тикилган кийимлар «мода» эмас, балки ростаканимга урф бўлади. Қувонарлиси, бу либосларга реклама шарт эмаслиги. Шунчаки, миллий қадриятларимиз ҳар қандай европача «мода»дан устунлигини яққол исботи — бу. Чунки ғарб услубидаги очик-сочик, бизнинг менталитетимизга тўғри келмайдиган либослар ўрнига қизларимиз миллийча кийинишни афзал кўришади. Бу эса ҳаммани жуда хурсанд қилиши аниқ. Демак, «мода»га кўр-кўрона эмас, ўзимизнинг миллий тутумларимиздан келиб эргашсак, бу фақат яхшиликка хизмат қилади.

Ўзимизнинг миллий кийимларини «мода» сифатида реклама қилиш шарт эмас. Аммо тиззаси йиртиқ шим кийиб, сочига бугунги «замонавий» услубда янгича жило берган йигитларга ва шундай нафис миллий кийимларимиз турганида ярим очик кийиниб, ғарб маданиятига тақлид қилган қизларга жуда ачинаман. Минг афсус!..

Аброр ПАЯНОВ,
ЎзЖОКУ талабаси

ЗИЁЛИ КИМ?



Бу ўта жиддий, мураккаб ва масъулиятли савол. Устига-устак инсон томонидан таъриф берилган ҳар қандай истилоҳ ва тушунчалар мутлоқ ҳам, абадий ҳам бўла олмайди. Ҳолбуки, унинг мутлоқлиги ва абадияти замонлару маконлар, жамиятлару шахслар силсиласидаги мезон – нисбийлик билан ўлчанади.

Ушбу қонуният таъкибидан хатто сўз ҳам мустасно эмас. Устига муайян маъно юқини ортиб сафарга чиққан сўз интихо манзиллини била олмани каби, ўз вазифининг не эканини ҳам ҳеч қачон била олмайди. Зиёли тушунчасининг-да ўнлаб тиллар, юзлаб шева, минглаб, туманлаб кадрятлар ва дунёқарашларни камраб олган таърифу тавсифлари бор. Менинг «Зиёли ким?» деган сўроққа жавобим, маълум маънода, мавjud тушунчаларга ворис эканидан қатъи назар индивидуаллик сифатидан ҳам холи эмас.


Менимча, зиёли мазкур сифатларни уйғунлаштирган кишидир. Булар: а) зоҳир ва

ботин; б) фикр ва фаолият; в) илм ва амалдир.

Зоҳир ва ботин уйғунлиги ҳақида шарқнинг буюк мутафаккирлари Жалолиддин Румий ва Абдулқодир Бедиллар қуйидагича фикр билдиришган: «Инсон ўзини бўлгани каби кўрсатсин ёки кўрингани каби бўлсин». Зиёли бўлиш учун муҳит ва тарбия муҳим ўрин тутишига шубҳа йўқ. Бироқ асл моҳият инсон табиати ва ирсият муаммосига келиб тақаладики, буни инкор этиб бўлмайди. Ҳаёт тажрибалари ва илмий далиллар муҳит эътибори билан зиёли табақасига мутлақо алоқаси бўлмаган, бироқ ички маданияти ўта юксак кишилар борлигини

кўп бор исбот этган ёки аксинча. Бундай ҳолатлар асосан, вазият тақозоси билан юзага чиқади. Ҳуллас, қалбани зиёли киши ҳар қандай вазиятда (*очлик ва тўқлик, хотиржамлик ва саросима, уруш ва тинчлик ва ғ. к.*) ўзлигига содиқ қола билган зотдир. Зоҳир ва ботин уйғунлиги ҳам аслида шудир.

Фикри ва фаолиятида уйғунлик бўлмаган киши мисоли жамият оғочига тушган ҳашаротдир. Бундай кимсалар фикран собит бўлмагани боис, дуч келган мусиқага ўйинга тушишга мойил бўлади. Бундай бетайин фаолиятлари билан замондошлари бошига турли фалокатлар ёғдириши ҳеч гап эмас. Ўтган асрнинг 30-йилларида кўплаб миллатпарвар-зиёларнинг ҳалокати, асосан, шундай «шахс»лар фаолияти билан боғлиқ бўлгани маълум. Фикр ва фаолият зиддияти нафақат жамият, балки шу инсоннинг ўзи учун ҳам фожиадир. Фао-



лиятини тафаккур кучи билан йўналтири олмаган одам ҳеч қачон шахс бўла олмайди. Ўзини англамасдан, ўзлигини топмасдан кераксиз буюм каби йўқликка маҳкум бўлади. Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» асарида савоб не, гуноҳ не билмасдан охираат дунёсидаги «аросатга» деган ҳукмга дучор бўлган кимса образи фикримизга ёрқин далилдир.

Зиёли деганда кўпроқ билимли, тафаккурли одамни кўз олдимишга келтирамиз. Бирок бу сифатларга эга ҳар бир инсон зиёли номига муносибми? Асло, йўқ! Негаки, билим (*ахборот*) компьютерда ҳам керагича топилади. Инсоният

тарихида золимлиги билан ном қолдирган кишилар ўта кучли тафаккур эгалари бўлишган. Демак, илмини фақат эзгу амаллар учун сарфлаган кишининггина, илмига амал қилган олимнинггина зиёли дейиш мумкин. Зеро, илм инсониятга тараққиёт, юксалиш учун берилган. Аксинча эмас.

Тақрор айтаман, зиёли тушунчаси мураккаб ва ўта теран тушунча. Юқорида ёзганларим улкан денгиздан бир қатра, холос. Умуман, зиёли пок иймон соҳиби, эзгу фикрли инсондир. Ушбу жумла таърифи эса томлаб қитлабларга сифмайди.


Узоқ ЖўРАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори

Яна бир ўқув йили тугаб, фарзандларимиз аллақачон ёзги таътилни бошлаб юборишди. Хўш, улар таътилни қандай ўтказса, фойдали бўлади?

Куйида хорижий тиллар бўйича мутахассис-педагог ёзги таътил давомида болаларнинг луғат бойлигини ошириш борасида керакли кўрсатмалар беради.

ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ТЕЗ ВА ОСОН ЎРГАНИШ

Бунга қандай эришиш, луғат бойлигини ошириш мумкин?



Агар хорижий тилни ўрганаётган ўқувчи етарлича сўз бойлигига эга бўлмаса, унинг учун чет тилида эркин мулоқот қила олиши муаммо бўлиб қолади. Луғат захирасини муттасил бойитиб бориш боланинг муомала салоҳиятини ривожлантиришига катта ёрдам беради.

Ўқувчилар грамматикани қанчалик яхши ўрганмасин, товушлар қанчалик яхши ўзлаштирилса ҳам, кенг маъноларни ифода этадиган сўзларсиз инглиз тилида сўзлашув бирон бир мазмуни тарзда амалга ошмайди. Шу сабабдан луғат бу тилни билишнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Бундай фаолият ўқувчиларнинг яхши тинглаши, гаплашиши, ўқиши ва ёзиши учун замин яратаяди. Шунинг учун сўз бойлиги захирасини самарали ошириб бориш хорижий тилни муваффақиятли ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Инглиз тилидаги юз минглаб сўзларни ўз ичига олган луғатни ўргатиш аввалига жуда мураккаб кўриниши мумкин. Аммо ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича

етарлича тажрибага эга бўлса, бу муаммонинг ечимини топа олади. Ўқувчилар ўрганган ҳар бир сўзни кўрсатиб бериши шарт эмас, баъзиларини шунчаки ёдда тутишлари керак. Шундай қилиб ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ёки талаблари учун фойдалилиги ва тезлиги бўйича нимани ўргатиш ва ўрганишни танлаш жуда муҳимдир.

Сўз бойлигини орттириш усуллари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

Таъриф бериш: таъриф аниқ эканига ишонч ҳосил қилиш лозим. Агар ишончнинг қисми бўлмаса, боланинг луғати орқали текшириб кўриш, тўғри тушунганини текшириш учун саволлар бериш мумкин.

Таржима қилиш: агар бола биринчи навбатда ўз она тилини яхши билса, таржима қилиши тез ва самарали бўлади. Эсда тутингки, ҳар бир сўз тўғридан-тўғри таржимасига эга бўлмаслиги мумкин.

Имо-ишора: бу, айниқса, ҳаракат феълларига яхши таъсир қилади ва у қизиқарли ҳамда эсда қоладиган бўлиши мумкин. Ўқувчи учун бу усулнинг мақсади сўзни тасвирлаш учун ҳаракатлардан фойдалана олишдир.

Сўзнинг маънодош ёки зид маънолиларини топиш: ўқувчи аллақачон билган сўзларини ишлатиш, маъносини англаш учун самарали бўлиши мумкин. Бу усулни болаларга турли ўйинлар воситасида тушунтириш янада самарали бўлади. Масалан, доира ичига бир сўзни ёзиб, атрофига унинг маънодошларини топиб ёзиб чиқиш вазифаси қўйилади. Ёки бир нечта қоғозчаларга ёзилган сўзларнинг орасидан уларнинг антоним жуфтликларини ажратиб чиқиш талаб этилади.

Сўзларни нутқ жараёнидаги мисоллар воситасида ўргатиш: ҳар бир сўз ишлатилганда нутқнинг шу парчаси ҳақида йўлша ҳамда маъносини янада аниқроқ тушунтириш учун мисоллар келтириш зарур.

Ҳар қандай қийин сўзни ёзиб олиб нутқ парчасидан фойдаланишнинг босқичларини биргаликда қўллаш мумкин. Болалар янги сўзларни айтиб беришлари ва мати парчадан қандай самарали фойдаланишларини назорат қилиб бориш керак. Бу усул маънони аниқлаш учун парчага оид маълумотларни кидириш ва улардан фойдаланишнинг матнга асосланган жараёнида нутқни ва тинглашни ўз ичига олган қизиқарли усулдир.

Бундай усуллар хорижий тиллардаги янги сўзларни ўрганишда болалар учун ҳам фойдали, ҳам қизиқарли, ҳам эсда қоладиган бўлади.

Куйидаги усуллардан фойдаланган ҳолда болаларга янги сўзларни қулай ва осон ўргатиш мумкин:

- Болаларнингизга бир нечта сўз бирикмаларини беринг ва уларнинг маъноси ва талаффузини топиш кераклигини айтинг.
- Турли сўзлар ёзилган варақчалар тайёрлаб, болаларнингиздан улардаги сўзларнинг ўқилиши ва таржимасини сўранг. Бу билан болалар сўзнинг шаклини ҳам айнан эслаб қолиб, беҳато ёзишни ҳам ўрганиб бориши керак.

- Болаларнингиздан бир гуруҳ сўзларни турли тоналарга ажратилиши сўранг. Масалан, ҳаво, денгиз, қуруқликдаги транспорт воситаларининг номлари рўйхати.

Бу ўйинни ўйнаш учун қоғозга нарса чизиб, устига сўз ёзасиз. Фарзандларингиз ўзларининг қоғозларидаги қутичага белгилашлари мумкин, агар у сиз ўқиган сўзнинг антонимини ўз ичига олган бўлса, шу нарсани эслатиш, улар эшитган сўзларини эмас, балки унинг антонимини белгилашлари керак.

Болаларни янги сўзлар билан таништириш ва луғат бойлигини янада оширишнинг самарали усулларини тadbик этишда ушбу тавсиялар сиз учун фойдали бўлади. Мазкур илмий асосланган усуллардан фойдаланиш фарзандингиз тилни тезроқ ўрганиши, сўзни тез эслаб қолиши ва шу осон ўрганиш усуллари ёрдамида инглиз тилида гапириш қобилиятини оширишига ёрдам беради.

Мадина НИЁЗМЕТОВА,
ўқитувчи

« Рўзининг кун бўйи қиладиган иши шу: эрталаб хотини ажратиб олиб кетган картошка-пиёзларни арчиш, айтганидай қилиб тўғраш. Кейин уйда зерикиб ўтириш. Хотини ўтқириб кетганича ўтирган жойидан ўзи на тура олади, на ёта олади, зарурат учун ҳам қўшнинг ўглини қақиради...

Олти йилдан буён ахвол шу. Турмуш қурганларининг иккинчи йилида оғайнилари билан тоққа бориб, оёғи тойиб кетиб баландроқдан йиқилиб бошидан жароҳат олган. Шифокорлар «хаммаси марказий асаб тизимининг иши, беморга яхши муҳит керак. Аллоҳ инояти кўрсатиб оёққа туриб кетганлар ҳам бор...», деган. Аммо Рўзи шунча вақт ичида хали бирор қилт этган ўзгариш сезмади. Бу орада хотини Мастура мактабдаги фаррошлигидан ташқари яна нон заводига ишга кирди. Баянда мактабдан ортиб, эридан хабар олиб кетишини айтмаса, бошка кунлар уйга ярим кечаси соатни ўн бир қилмасдан келмасди. Калитни топишга ҳам холи йўқдай кўнғирокни бетоқатланиб босади. Рўзи минг марта айтган: «хотин, калитни тайинли ерингга сол, келиб аввал сумканга бир қўл солиб кўр, тополмасанг, майли, кейин кўнғирокни бос...» Лекин Мастура нари борса бир-икки кун унинг айтганини қилган бўлади. Кейинги кунлар эса аввал кўнғирокни босиб кўяди-ю, эри оцаётганини билгач, йўлига ўзини калит кидираётганга солиб туради, эртасига эса қарабсизки, эски ҳамом эски тос. Эшикни очган эрига салом бериб, кўзларини пирпиратганча тураверади. У одагга ўзининг айбдор эканини билиб турса, шундай қилиқ қилади. Охирига бориб кўзни пирпиратиш-да ёдига келмай қўяди. Хотинини ўзгаришролмаган эр ўзи олатланди: соат кечки ўнлар бўлиши билан аравачасини йўлакка ғилдирашиб олиб боради-да, кейин нима қилса қилади. Кўпинча уйқуси келмай китоб ё мактаб муаллимлари обуна бўладиган газетларни варақлайди, хотинини кутади. Ёки кўзлари илиниб куш уйқу қилиб олади. Асли кун бўйи қиладиган энг кўп иши шу ухлаш... Хотини эшикдан «Ассалому алайкум» деб кираркан, албатта куннинг қандай бўлгани исб ё совиб кетганини, ёки ишхонасида нима муаммою, нима янгилик бўлганини айтишга улгуриб олади. Эрининг уйқусини бузганини ҳам пайқамайди бунақа вақтда. Одат буйича аввал уст кийимини ечиб илгичга илиб, сўнгра оёқ кийимини ечади-да, уларни тўғрилаб ҳам ўтирмай апил-тапил хонага отилади. Қозонни газга қўйиб тагини ёқади, орада кийимларини алмаштиришга улгуриб, шундан кейингига эрига қараб:

— Ўзи яхши ўтирибсизми? — деб ҳол-ахвол сўраган бўлади. Эри хали тайинлирок

жавоб бермасидан яна боя бошлашга улгуриб қолган гапини давом эттиришга ошиқади. Кайфияти жуда яхши ёки иши осонроқ бўлган кунларидагина «Кандай китоб ўқияпсиз?», «Ие, янғисини бошладингизми? Вой, тунов кунги китобингизни тугатиб бўлдингизми?», деб хайратланган бўлади. У эри ўқиган бирорта китобни ўқимгани учун ҳеч қачон «Қаерига келдингиз?», «Мана бу ерига сизнинг фикрингиз қандай?», демайди. Эри бирор таъсирли гап ёки воқеани айтиб берса, индамай, гапини бўлмайд эшитилади-ю кейин сўзи тугаши билан эшитганларининг мағзини ўзича чаққан бўлиб, бошини сарак-сарак қилиб ўйланиб яна ишидаги, кўча-кўйдаги одамлар, уларнинг нима деганию, нима қилгани хабари билан боғлашга уринади. Рўзи бўлса, унинг бу гапларидан мийингида кулиб жим ўтираверади. У буларни юзма-юз ўтириб эмас, қозондаги қапирини айлантираётган, эрига қарамай айтаверади. Энг қизиғи, унга бир мавзу бошланса бўлгани, ўзи савол бериб, ўзи инкор қилиб гапирверади. Ора-орада эрига қараганида унинг «ха» деб бош қилиб қўйиши эрига етарлидек. Энди жим эшитиш навбати Рўзида бўлади. Хотинининг гапини бўлғиси келмайди, «стуншумаясан», дегиси келмайди. У билан гаплашмаса яна ким билан гаплашарди, ахир. Шунингиз-да шўқ қилади. «Уйда бир ўзи зерикиб ўтиришдан яхши-да бу ҳам» дейди ўзига ўзи.

Мактаб вақтидан бери шу: Мастура сергап, кўнгли очик, баъзи ўғилболача қизиқ характерлари бор қиз эди. У қанча гапирса ҳам ҳеч гапини, фикрини эплаб тушунтириб беролмас (ўзи айтдиған фикри борми ёки гапирганини яхши кўрганидан тинимсиз гапираверадими буни пайқаб бўлмасди ҳам), сўзини боғдан бошласа, тоққа олиб бориб тўхтатар, шу боисдан дарсларда муаллимлар ундан бирор гап сўраб қолган ҳамоник синфхонада гурра кули қўтариб эди. Қиз ўзи ҳам узок гапирар, алаоқибат, бирор тайинли фикр кутган муаллимларнинг хунобини чиқарар, лекин ўзи ноўрин гапирганини сезмас, синфдаги кулгини эса одагга узок гапиринини сабабидан деб билгувчи эди. Лақаб тўқишга уста бўлиб кетган болалар унга ёшқисда «Шалдир-шуддур» деб ном қўйиб олишганди. У гапир-



ганида ҳеч ким унинг фикрини эшитмас, мабодо, эшитишга мажбур бўлиб қолинса, боя айтганимиздай ўзларини кулгидан аранг тияр эдилар.

Қиз сулув ҳам, хунук ҳам бўлмай, унинг йигитларни жалб қиладиган алоҳида жиҳати-да йўқ эди: мактабни битирар чоғда ҳам қизнинг бирор кўнғил қўйгани борлиги ҳақида гап чиқмаган бўлса, Рўзига мафтун қизлар эса бармоқлар сонидан кам эмасди. У мактабнинг энг китобсевар, вазмин, олди йигитларидан эди.

Мастуранинг ота-онаси эрта вафот этиб бобосининг қўлида қолган, ёшлиқдан меҳнатда суғи қотган, сигир соғиб, сут-қатик сотиб юрарди. У маҳалладаги бошка синфдошлариники қатори Рўзиларниқига ҳам сут-қатик сотиб келарди. Рўзининг отаси уйда сут-қатик борми демай, бор дейишса-да, парво қилмай дарвозадан «мамаки» деган (у бу хонадонга келганида айнан шундай қақирарди) таниш овозни эшитиши ҳамоник унга пул тутқазиб:

— Аянга айт банка берсин, олиб қол, — дерди.

Рўзи онаси отасининг бу ишидан норозик, лекин айтолмаслигини «сут-қатиклардан банка қолган бўлса бераманми?» деган шўъмали зардаларини идиш топишдан эринаётган киши ниқобига жойлаганидан сезиб қоларди. Отасининг биргина «дўстимнинг кизи бу...» деб бошини силаб ўтишларидан талғайибми, қизча Рўзи билан анча вақтгача гаплашиб тура-верарди.

«Ўзи бу қиз ўғил болалар билан гаплашгани чиқади», — дер эди онаси Рўзини қақриб олиш учун бирор юмуш буюра туриб. Лекин қизга бунинг сира фарқи йўқ, икки кундан кейин яна қў-

лида сут-қатик солинган сумкаси билан тагин йигитчани гапга солиб турган бўлаверарди. Уст-бошига яхши қаралмаган, дарсларга уқуви йўқ, яна болалар тили билан айтганда синфдошларниқига «ялиниб нарса сотиб чиқадиган», «ота-оналар мажлисига бирор бора уйдан ҳеч ким чиқмаган» бу қизга келажоғи бор, яхши онланинг эрка бу фарзандидан совчи келганида таниган-билганлар: «Пахмок қизнинг бахтини бергани шу экан-да», — деб ханг-у манг бўлишди. Аслида, Мастуранинг отаси Рўзининг отаси билан қадрдон дўст бўлган, йигит отасининг: «Шунга уйланасан», — деган гапини икки қилолмаган эди.

Турмуш қурган йиллари Рўзи кун бўйи ишда, хотини уйда бўларди. Энди аксинча. «Эр кишига бу ҳолатдан оғирроғи бўлмас экан», — деб ўйга толарди Рўзи. У дастлабки йилларда оёққа туриб кетишига ишонганиданми, ё аёл кишининг қўлига қарам бўлиш бунчалар оғир эканини хали ҳис қилиб кўрмаганиданми хозир миясини банд қилиб келган бу ўйларни хўпам ўйлаб кўрмаган эди.

Аввалги йилларда Рўзидан истихоло қилиб турган хотинининг яққа-ю яғона жигари — укаси кейинроқ унга очик олақараш қилиб қарайдиган бўлди. Аммо ўз оғзи билан «Онам билан ажрашинг, унинг бахтини тўсманг», деёлмасди. Бунга сабаб опаси қайтиб келса, хотини тор ховлисига сиздирмаслигини яхши биларди... «Агар вазият шундай бўлмаганида, опа, мен сизни олиб кетардим», деб унинг ўзига минг марта айтган бўлса керак. Агар ота-онаси ҳаёт бўлишганида борми, аллақачонлар уни эридан ажратиб олишган бўлишарди. Яна орага фарзанд деган риштани Худо бермаётган бўлса...

Шу кунларда Рўзини энг кўп қийнаётган ўйлар эди булар. Мастура буларни ўйламасмикин? Уйда ясаиб

эрининг келишини телевизор кўриб қутадиған, бир этак болали қавм-қариндош, қўшни аёлларга ҳаваси келса керак унинг ҳам. У ё Рўзининг оёққа туриб кетишига қаттиқ ишонади ёки у содда эрга тегдимми, энди бир умр шу тақдирга қўниб яшашига мажбурман деб билиб, кетиш ҳақида ўйлаб кўрмаган. Балки ўйлаб кўргану бунга эрига айтолмаса, қандай айтишни билмаса керак.

Рўзи кейинги кунларда ҳар кун «бугун, шу бугунок барини хал қилиб, унинг жавобини бериб юбораман», деб дилига тугардию, хотини келгач гапини нимадан бошлашини билмай масалани яна эртасига сурарди.

«Бас! Шундай яшаш эр кишига ярашадиган ишми», деб эшитилар-эшитилмас гудраниб столни муштлади Рўзи. Аччиқ-чучук тайёрлаш билан банд Мастура бир чўчиб тушди:

— Ҳа сизга нима бўлди, чивин чакдимми? — деди қулишга уриниб.

Рўзининг багтар ғазаби келди: — Сен нима деясан? Жуда нима бўлганини билгинг келса, нима бўлди де, тамом-вассалом. Чивиннинг бунга нима алақаси бор? Ё сен мени қалақа қилаясанми? Бунинг чивиндан бошқа нима муаммоси ҳам бўларди, деясанми?

Кейин ошириб юбораётганини сезиб қилиб дарров тилини тишлади.

Мастура бўлса, одати буйича кўзларини пирпиратганча оғзини очиб қолганди. Зум ўтмай, ўзига кели яна гапни ҳазилга ё бошка тарафга бурмоқчи бўлибми энди оғиз жуфтлаганди ҳамки, Рўзи:

— Гапирма! — деди боғга ғазабдан хали тупмаганини намойиш этишга уриниб асабий оҳанди. У биларди агар хозир хотинини гапиртиришга қўйиб берса «ха, йўғ-э» деб гапни чивиндан олиб ишхона-сидаги шерик фаррош аёлининг қайсидир қилиғини ёки унинг ўғли айтган «қизик» бир гапини

— Ажарашамиз!

— Нега-а? — деб қаловланиб қолди аёл. Сизни хафа қилиб қўйдимми ё сиз... сиз бошқасини топиб олдингизми?



БАЛАНДДА



айтиш билан тугатарди. Кейин гапни бошлаш учун кўрсатган шунча ғазаби ҳавога учи, унинг масаласини яна эрта-индинга суришига тўғри келарди. Рўзи бундай бўлишини истамди. У бўладиган нарсанинг тезроқ бўлишини хоҳларди. Шунинг учун гапни дангал қилиб қўяолди:

— Ажарашамиз!
— Нега-а? — деб каловланиб қолди аёл. Сизни хафа қилиб қўйдими ё сиз... сиз бошқасини топиб олдингизми?

Рўзининг бу гапдан кулгиси кистади. Мен нима дейман-у кўбизим не дер. Мен нима ахволдаману, нималарни ўйлаяпману бунинг топган гапини қаранг. Менга бошқасини топиб олдингизми, дедими... Қизиқ, бу ростданам шунчака ўйлайдими ёки оғзига нима гап келса айтаверадими? У учун бу саволнинг жавоби ҳозир ҳақиқатан қизиқ эди. Шунча йил бирга яшаса-да буни билмасди. Билишга ҳаракат ҳам қилмаганди. Нима бўлганда ҳам «хотиним-ку» деб яшаб келаверган эди.

— Мен шу ахволда кимнидир топишим мумкинми, хотин? — деб бироз юмпаган бўлди у.

— Ахволдингизга нима қилибди?

Энди бу сафар хотини ошириб юборгандек туюлди эр-какка.

— Сенингча, менинг шу ахволимда кимдир менга илақиши мумкинми? — деди эр аравасига ишора қилиб ғазаб билан.

— Нега мумкин эмас экан?.. — деб аёл кўзларини катта-какта очиб эрига қараб қолди.

Рўзи вазият бу тарафга оғиб кетишини ҳисобга олмаган экан. У ўйлагандики, ҳаммаси осон. Ажрашман дейман, хотиним майли дейди. Ичиди озод бўлганига шукр айтади, хайрият, эримнинг инсофи бор экан дейди, деб кутганди. У шундай ўйлаб янглишган экан. Хотини бу ҳақида тузукроқ ўйлаб кўрмаган ҳам чикди-ку... У «ҳозир ажрашасан, қаерга бораман», деб қўриқиб кетган бўлмасин тагин. Тўшакка миҳланиб қолган эрдан кутулса, қачондир бахти очилиб кетишини ҳеч ўйлаб кўрмаганми... Яхши, мана энди ўйлаб кўрсин:

— Уй сенга қолади Мас-тур, тушунасанми? Мен қишлоққа ота-онам олдига кайтаман. Бир кунимни кўрарман. Жигарларим ташлаб қўйишмайди.

— Ҳа, қишлоққа кетгиниз келаятган бўлса майли, жуда яхши, кайтага яхши, — деди аёл мушқул муаммога осон ечим топганидан хурсанд бўлишга шошилиб: — мен ҳам кетавераман...

Эр ўз пешонасига бир уриб қўйди: «Шунчалик ҳам содда



бўладими одам деган?» деб ўйларди у. Аёл гапини давомлайвермокчи бўлдию бироқ эрининг авзойидан дами ичига тушиб охириги сўзларини базўр такрорлади: «мен ҳам ке-та-ве-ра-ман...»

— Қишлоққа мен кетаман. Сен шу ерда қолсан. Ажрашамиз, — деди Рўзи дона-дона қилиб кескин оҳангда.

— Нега ажрашамиз ахир? —

деди хотини. Унинг бу саволида «хато қилган бўлсам, айбимни айтинг» дегандек содда ялинчок оҳанг бор эди. Орага узок жимлик чўқди...

— Болаларини етаклаб юрган, ёнида соғлом эри бор аёлларга ҳеч ҳавасинг келмайдими? Улардан қаерим кам, деб ҳеч ўйламайсанми? Фақат ростингни айт! — Ҳали ёпсан... — деди эр вазминлик билан теран нигоҳларини хотинига қалаб.

— Ҳа, ҳавасим келади, — деб унинг гапини дарров илиб кетди хотини. — Нега энди келмасин. Ҳар ким ҳам... — дея гап бошлаган эди Рўзи энди унинг гапини кесди:

— Ҳозир, ҳозир шу одатингни қўй, хотин. Ортиқча гапнинг нима кераги бор ҳозир. Сен уларнинг ўрнида бўлиб қолиш учун жон деган бўлмасиндир?

— Йў-ўк! — деди Мас-тура азбаройи бу тасаввурдан чўчиб тушгандай сесканиб. — Мен ўзимни улардан бахтли санайман!

— Ааа-а?... — деганча анграйиб қолди эр.

«Бахтли дейдими...? Бу ўзи йўлаб гаширатганими?» Кейин қизишиб киноя билан сўради:

— Ҳўш, сир бўлмаса, нимага энди улардан кўра бахтли эканлар, қани айтсинлар-чи бизнинг хоним?

Аёл ҳозир тезда гапириб, жавоб бермаса боридан айрилиб қоладигандай шошилиб гапира кетди:

— Мен... мен суҳбатлашишни яхши кўраман. Сиз билан суҳбатлашишни. Мен сизни эшитиб тўймайман.

Кейин ўзининг жавобидан кўнгли тўлмади шекилли, тагин баггар ҳовлиқиб гапиди давом этди аёл:

— Ҳеч кимнинг суҳбати мени сизикичалик қизиктиролмади. Ахир, бу дунёда яхши кўрган одамнинг билан суҳбатлашишдан ортиқ бахт бор эканми? Ишдан уйга келаятганимда доим шу хаёл билан келаман. Энг бахтли аёл мен бўлсам керак, деб юрагим ёрилай дейди: мен суҳбатлашиб тўймайдиган, мен суҳбатларига тўймайдиган дунёдаги бирдан-бир ягона одамим айнан менинг уйимда экани, у миллиард-миллиард аёллар ичра айнан ўзимга насиб этгани, унинг бошқага эмас ўзимга, менга эшик очиши...

Аёл хавотиру хаяжони зўрлигидан йиғлаб юбораёзди:

— Мен... — деб гапини йўқотиб тутинқираб қолди у. — Мен ишим тугаб, уйга кайтсам, ҳали Рўзи акам билан мазза қилиб суҳбатлашиб ўтирмаман, деган хаёлда кунни кеч қиламан. Сиз эшикни очсангиз, сиз уйғок бўлсангиз... умуман, сиз айлан менинг уйимда эканингиздан мен бор чарчоғимни унутаман... Сиз шуларни биласизми?.. Булар бахт бўлмади тагин бошқа нима бўлсин!

Аёл тўхтамай, узук-юлук қилиб яна нималарнидир узок гапирди...

Ширин ЎЛМАСОВА

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...

Жуманинг иши юришмади. Ота-онаси ҳаётлигида бирон касб-кор бошини тутмади. Уйланди. Бола-чақали бўлди. Бахтига хотини ақли чиқиб, бозорда товуқ олиб сотишга ўтди. Бозордан тушган беш-олти сўм пул билан рўзгорни тебратишарди. Маҳалладаги бир-икки фермерлар Жумага гап солиб кўришди:

— Беш-олти гектар буғдой майдонига қараб, ёрдамлашиб юрсанг, бир йил ейдиган буғдойли бўлар эдинг.

Аммо бу гап Жумага ёқмади.

— Энди мен келиб-келиб сени мардикоринг бўлайми. Бекор айтибсан. Оч ўлсам — ўламан, лекин сенда ишлайман.

— Ўзинг биласан, — дейишди фермерлар.

Жумага хотинининг кистови ҳам қор қилмади.

Кунларнинг бирида Жума велосипедда бозордан келаятган эди. Нима бўлди-ю йўловчи машиналардан бири уни туртиб юборди. У велосипеддан йикилиб тушди. Оёғи, қўли асфальтга тегиб шиллинди. Шофёр машинани дарҳол тўхтатиб, йўлда йикилиб ётган Жумани тургизгани югурди. Жума оҳ-воҳ қилиб ётар, дод солиб бақирарди. Дарров атрофини тумонат одам эгалади. Биров у деди, биров бу деди. Хуллас, одамлар қўмаклашиб Жумани ҳалиги машинага ортиб, велосипедини ҳам машинанинг юкхонасига юқлаб, уйига элтганинг.

Машинанинг эгаси:

— Милицияга айтманг, жон ака, нима

расво қилдингиз. Агар хўп десангиз, ўша айтганларимни бериб, кейин тўрт томонингиз қибла, кетаверасиз, бўлмаса, милиция чақирамиз, ўзлари ҳал қилишади.

Машина эгасининг бошқа иложи қолмагач, Жуманинг айтганини бериб ундан кутилди.

Йўлда эрини машина уриб юборганини эшитган хотини Ойниса учиб



десангиз розиман, — деб ёлвориб турганидан фойдаланиб, Жума:

— Кўзингизга қараб хайдаганингизда бунчалик бўлмасди. Мана, энди мен бир-икки ой ётишимга тўғри келади. Кунига юз мингдан топиб, рўзгоримни бокиб турган эдим. Энди нима қиламан?.. Шу икки ой болаларимни қим боқади. Устига-устак великни ҳам

уйига кирди.

— Хотин, қара шунча пул-а. Пул топиш мана бунақа бўлади.

— Вой, дадаси, тирикмисиз? Юрагим қинидан чиқаёзди-я. Пулингиз курсин. Ўлиб-нетиб қолсангиз, нима бўларди, — деб ҳалёб жаврарди хотини.

Жумага бу иш ёқиб қолди. Кейин ҳам бир-икки марта шу ишни қилиб кўрди,

бинойидек пул ишласа бўладиган. Аммо бир сафар йиқилганида машина оёғини босиб кетиб синдиргани ёмон бўлди. Уч-тўрт ойлаб касалхонада гипсда ётди. Ҳалиги машина эгаси хар куни Жумани кўргани касалхонага келар, дори- дармони ва овқатидан хабар олиб турарди.

— Анжир ҳам пишган бўлса керак. Мен бу ерда ётибман, — гап бошлади Жума ҳалиги кишига. Тушунган одам экан, дарров бориб бозордан анжир олиб келди. Агар бир кун келмаса, Жума дарҳол кўнғирок қиларди. Хуллас, Жума уни соғин сигирдай соғди. Охир-оқибатда машина эгасининг пули тугади шекилли:

— Ҳе, энди машина минганим бўлсин, — деб машинасини сотиб юборди.

Жума соғайиб касалхонадан чиқди. Энди у казо-казоларга қармоқ ташлашни ўйларди. Тўғри-да, қачонгача беш-ўн сўм пул деб ўзини хатарга қўяди. Казо- казода пул кўп бўлади. У тумандаги энг бойвачча одамни топди. Машинаси ҳам хорижники. Унинг уйи олдилан қачон ўтиб-қайтиши ҳақида барча маълумотларни тўплади. Вақтини аниқлади. Кунларнинг бирида даладан молларига ўт ўриб қайтаётган киши бўлиб икки боғ бедани велосипедига ортиб йўлда келаятган чоғида орқасидан катта тезликда келаятган бойваччанинг машинаси олдида велосипедини буриб юборди. Қарс-курс бўлди. Велосипед бир ёнга, ўзи бир ёнга тушди. Шофёр машинадан югуриб тушди. Не кўз билан кўрсинки, Жума қонга беланиб ётарди. Унинг жони узилган эди...

Болабой МУХАММАД ҚУРБОН

« Оролни кутқариш халқаро фонди ижроия қўмитаси Нукус филиали жамоаси асосий эътиборни Оролнинг қуриб қолган майдонларида иқлимга мос дарахтлар экиш, ўрмонзорлар яратиш, ҳудудни яшиликка буркаш учун ғайрат камарини боғлаб астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Дала гули Оқбийдай

Болалигимда уйимиздаги тоқчада калингина, чиройли ишланган китоб бўларди. Муқовасида миллий либосдаги суқсурдай қорақалпоқ кизининг Орол денгизига тикилиб турган ҳолати акс эттирилган эди. Бир қараганда киз шамолда бироз губор кўнган лолага ўхшарди. Бошидаги қундуз гардишли кизил бахмал телпагининг акси уриб, сутта чайиб олингандай оппоқ, лўппи юзи хиёл кизарган. Дала гули – дунёда энг мусаффо, беғубор гул. Куёшнинг заррин нурларида шундай яраклайдики, узиб олгани кўзинг киймайди. Кейин билсам, бу китоб Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони, туркий халқларнинг сеvimли ва ардокли ижодкори Ибройим Юсуповнинг сара шеърларидан тузилган ажойиб гулдаста экан.

Уша китобни ўқиб, жажжи тасаввуримда Орол денгизи манзаралари жонланган. Денгиз қирғоғида сувнинг тинмай чайқалиши, улкан ва қудратли кема карписида тўр ушлаб турган баликчилар ҳамда сувлик узра чарх уриб учаётган чағалайлар галаси кўз ўнгимда қолган. Ушанда бир кун улғайсам, албатта, Орол денгизини бориб кўраман деган ниятни кўнгилга тукканим рост.

Минг афеуски, мен улгайғунимча Орол маҳобати, суви қирғоқларига урилган денгиз хайбати йилдан-йилга пасайиб борди. Бутун бу ерда манзара бутунлай ўзгача. Қум ва туз барханлари билан қопланган қуриқлик. Узок-узокларда туя ўрқачидек эгри-бугри, ғадир-будур ясси тоғлар, кўз илгамас ёбон, далалар, ўт-ўланлар, бута ва гиёҳларга мўл чексиз кенгликлар... Дехқон қафтидан сочилган дондек хар томонга таркаб кетишган, ўт чимдиб юрган «сахро кемалари» – уюр-уюр туялар кўзга ташланади. Қайноқ, иссиқ тафтига олган қайнаган ёз. Тез-тез шамол эсиб туради. Баъзи-баъзида шамол кучли тўзон кўтариб, дов-дарахтнинг учини ерга теккизгудай эгса-да, хатто энг нимжон куёнсуяк, саксовул ва бошқа бутасимон ўсимлик ва ўтларнинг туси ўзгармаган. Иссиқда бор бўйича қуриб-қовжираётган гиёҳларнинг хуш бўйи димоқни қитқилайди. Шу тобда инжа туйғулар куйчиси, Ўзбекистон халқ шоири Омон Магжоннинг 1987 йилда Орол денгизига катта меҳр-муҳаббат билан атаб ёзган «Оролга ёрдам» дардли шеъри хаёлда жонланади:

*Яшил харитада – жойингда бўлгил,
Бу қийналган элининг пойида бўлгил,
Абадий ўз от-обруйингда бўлгил,
Фарёд, шўрлаб борар, ўнгу сўл энди,
Оролим, қурима,
Орол тўл энди.
Ота-бобом хокин кўмса гар тузлар,
Урганчи, Хивани унутса кўзлар,
Биз қайда – қимларга чўкамиз тизлар,
Паҳлавон Маҳмуднинг руҳи бўл энди,
Оролим, қурима,
Оролим тўл энди.
Дерларки, оққан сув оқмайин қолмас,
Қурима, қурисанг ўрнинг ҳеч тўлмас,
Туркман, Қорақалпоқ, Хоразм ўлмас,
Осиёнинг қалби, эсони бўл энди,
Оролим, қурима,
Орол тўл энди.*



ОСИЁНИНГ ҚАЛБИ,

Шевченконинг кўпгина яхши шеърлари Қўс-Оролда дунёга келади. Аслида она ватанидан узокда, ғурбатда суйган қизи жамолини соғинган, ҳижронзада ажойиб лирик шеърлар ёзади. У денгизнинг табиати, ҳайвонот ва ўсимлик оламини миридан-сиригача, эринмасдан ўрганади.

Бир-бирини қувиб йиллар ўтди. Амударё икки бетини ялаб, кўпириб, бағри кенг Оролга эринмасдан кўпдан-кўп қуйқумларини олиб келиб қуйди. Жанубдаги Қизилқум саҳроси узра ястаниб ётган Саримой, Мискин, Кампиртепа, Окдигар сингари қадимий кенглардан бошланиб, то бир маҳаллари мавжланиб ётган Оролнинг қибла томонидаги серўт, серхосил кенгликларни макон этган қорақалпоқ эли сувга қоришиқ қанчадан-қанча қуйқумларини ютишга мажбур бўлди. Дарвоқе, Амударёнинг Орол денгизига кўшилиб, чучук сув билан шўр сув қўшилмасдан қийналиб ётган ерида, қичкина оролчалар то ханузга қадар мавжуд. Улар бундан кейин ҳам ер юзидан батамом йўқолиб кетмас.

... Денгиз ёқасида истиқомат қиладиган сон-саноксиз балиқчи оилалари қамиш билан омонатгина солда балиқ тутиб, ўз қора қозонларини қайнатиб келишган. Бу маҳалда денгиз шамойи овоз чиқариб, гувиллайтиди. Баҳайбат, чек-чексиз Орол денгизига сийғишмай, дахшат солиб қирғоққа урилиб

турган узлуксиз асов тўлкин занжир монанд овоз чиқариб, чайқалишдан асло тинмайди. Амударё... Чўққилари булулларга тўш урган баланд ва маҳобатли тоғлардан бошланиб, Орол денгизига қадар чўзилиб ётган афғон, туркман, ўзбек, қорақалпоқ ерларини босиб ўтиб, миллион йиллар давомида олтин камар бўлиб оқиб ётибди.

Шевченко қўнган Қўс-Орол

Хаёлимда украин шоири Тарас Шевченко билан боғлиқ Орол бўйи хотиралари жонланди. Чиндан ҳам, украин халқининг атоқли фарзанди, танikli сўз сеҳргари Тарас Шевченко чор тарафи адоксиз, қароқ саҳрода ўз туғилган ери – Украина тупроғини, кенг ва серсув Днепр дарёсини ва севгилиси Катяни тақор-тақор эсга оларди. Баъзан келажакка назар ташлаб, унда кенг ва бағри бутун қишлоқларда қундалиқ юмуш билан банд, тупроқ сикимлаган оддий, хушчақчақ кишиларнинг ҳаётини кўргандай бўлади. У бир умр туркий элатлар Кўк денгиз деб атайдиган Оролни кўриш иштиёқи билан ёнарди. Унинг бу эзгу ниятини вақтида пайкаган Орол денгизи қирғоғига юборилган экспедиция бошлиғи Бутиков 1848 йили экспедиция ўтган жойларни назардан кечириб, ўрганиш ва суратга олиш учун Шевченкони ўзи билан бирга олиб кетади. Экспедиция не бир машаққатлардан кейин Қўс-Оролга эсон-омон етиб келади. Ва айнан шу ерда қишлаб қолади.

Шевченконинг кўпгина яхши шеърлари Қўс-Оролда дунёга келади. Аслида она ватанидан узокда, ғурбатда суйган қизи жамолини соғинган, ҳижронзада ажойиб лирик шеърлар ёзади. У денгизнинг табиати, ҳайвонот ва ўсимлик оламини миридан-сиригача, эринмасдан ўрганади. Кузатишларидан олган таасуротларини қанда қилмасдан қоғозга тушириб боради.

Орол денгизининг қирғоқлари ажойиботга тўла бўлган Судочье кўли,

эски балиқчилар қишлоғи Урге буруни, Қабанбай тик қояси, Оқтумсиқ, Дуана буруни каби гўзал табиатга, сўлим ландшафтга эга масканлар эди ўшанда. Аслида Қорақалпоқ элида хорижий ва маҳаллий саёҳлар эътиборини жалб этаётган шундай жойлардан бири Устюрт қаньонлари ва Оролнинг адоксиз соҳилларидир. 1960 йилга келиб Орол денгизи сатҳининг пасайиши ва дарё суви оқимининг тўхталиши оқибатида Судочье қурий бошлади. Саккиз йил ўтиб, саёз кўл алоҳида сув омборига айланди. Бироқ айни маҳалда, Судочье кўли коллектор-дренаж сувлари ҳисобга қайта тикланган, собиқ йирик кўл ўрнида тўртта сув омбори пайдо бўлган эди. Улар Ақушпа, Катта Судочье, Қоратерин ва Бегдулла-Айдиндир. Ҳозирги аср бошланишида юз берган сув танқислиги туфайли ҳатто Катта Судочье ҳам қуриб қолди.

Ҳозирги кунда кўл ёқасидаги Эски Урге қишлоғи ўрнида сайёҳлар учун шароит яратиш мақсадида Туристтик инфраструктура тузилиши кўзда тутилган. Бу ҳудуд қалин ва одам ўтиб бўлмас қамишзорларга ўта бой эди. Бу жой Мўйнок марказидан унга узок бўлмаган масофада, Оролнинг собиқ соҳилида ястаниб ётибди. Эътиборини тортгани шу бўлдики, ушбу балиқчилар қўналғасида қайиқлар, фонуслар, тўшақларга қандай бўлса, шундайин сақлаб қолинган. Йигирма кишилик меҳмонхонада хордиқ ёзиш, дўқондан қадимги қорақалпоқ миллий кийимларини харид қилиш мумкин. Фақатгина маълум бир вақт давомида бу ердан одам қадами аришини ҳисобга олманганда, Эски Ургедга ҳаёт яна жонлана бошлади. Маҳаллий аҳоли ва хориқлик саёҳларнинг энг сеvimли манзилига айланиб улгурди.

Орол денгизига яқин ҳудудларда азал-азалдан қора ва оқ рангдаги саксовуллар ғуж-ғуж ўсиб келган. Аслида бир тўп саксовул икки юз тоннагача қум йўлига тўғаноқ бўлади, тўсади. Ва яна бир тўп саксовулнинг томиридан хар йили тўрт-беш шох ўсиб чиқиб, ёйилиб бораверади. У ўзидан урган чўчир шусузиятига ҳам эга. Бу уруғларни беқарор шамол хар томонга сочади. Ўзи тарвақайлаган чўл арчалари саҳрода қони фойда эканини асло унутмаслик



керак. То шу кунга қадар тўрт юз эллик минг гектар ерга саксовул кўчатлари ўтказилган бўлса, бу кўрсаткич биргина 2019 йилнинг ўзиде беш юз минг гектарга етказилди. Бу ишга беш юзта техника, бир ярим минг нафар киши жалб этилди. Ўзи Орол денгизининг умумий майдони 5,5 миллион гектарни ташкил этади. Шунинг икки миллион олти юз минг гектариде ўрмон тиклаш имконияти мавжуд. Шу йилнинг ўзиде қарийб етти юз минг гектарга сазок уруғи ва кўчатлари қадалди.

Рашид оғанинг хайрати

Оролни кутқариш халқаро фонди ижроия кўмитаси Нукус филиали директори Рашид Аллабергановнинг кўп вақти Орол бўйлариде ўтади, десак муболага бўлмайди. Негаки, Рашид оға бу манзилларни қадамба-қадам кезиб



тури ўсган. Сайғоқлар сони бир миллиондан кам бўлмаган. Афсуски, бугунги кунда уларни кидириб топиш мушкул. – Жамоамиз бугунги кунда Амударё дельтасиде кичина сув хавзаларини

ўрнида барпо этилган Мўйнок кўрфазиде, Жилдирбас, Ақушпа, Катта Судочье, Қаратерен ва Бегдулла-Ойдинданде бошқа худудларда, Тузкон, Денгизкўл, Қорақир каби кўлларида бу кушлар кўнок

тўлкин солиб мавжланиб ётган денгиз кушни меҳрибон ва ғамхўр она каби ўз бағрига олибди. Унга ҳеч қандай зиён-заҳмат етказмасдан, бешикдаги болани аллагандедай денгиз соҳилига чиқариб қўяди. Ўша денгиз Орол эди. Бу ерда денгизчи ва балиқчилар кўп эди. Улар дарҳол Семурғ кушни уйларига элтди, канотларини қуритади, оёғига тахтакач боғлайди, дори-дармон билан даволайди. Орол денгизиде инсонларнинг меҳри сабаб тез кунда Семурғ тузалади. Оролга ва одамларга раҳмат айтиб олис-олисларга учиб кетади. Ривоятларга кўра, улкан куш қайтаётди, «Кўк кўл, она денгиз сен дунё тургунча турасан, йўлингдә учрайдиган мислсиз дарду-ситамларга парво килмагасан», дея яхши ният билдирган дейишади.

Дардли ва таъсирли бу ҳикоя денгиз соҳилида балиқ шўрва пишириб, хордиқ ёзаётганларга ўзгача таъсир этади. Кейин Ибройим Юсупов денгиз соҳилида таъсирланиб ёзган мана бу шеърини баланд ва жарангдор овозда ўқиб беради:

*Шимали Оққалъа, жануби Зойир,
Оқсорли кенг дала бурунги қайир,
Бахт ахтариб мазлум халқига шоир,
Дуторин орқалаб юрган жойларда.
Мен ҳар гал ўтсам ушиб қўрадан,
Ўйламан: не замон кечди орадан,
Энди эркин нафас олар ҳар одам,
Аввал элар пусиб келган ерларда.
Майли, денгиз эски соҳилдан қочар,
Дарё бирда қайтса, бирода тошар,
Энг муҳими халқим фаровон яшар,
Эл йиғлаб, чағалай қулган жойларда...*

Чиндан ҳам, Чингиз Айтматовнинг бундан салкам қирқ беш йил муқаддам Орол денгизига уюштирган ўша сафарини мўйноқликлар хали-ҳамон айтиб юришади. Ёзувчи ўша сафар баҳонасида денгизчи ва балиқчилар оғзидан ўнлаб ривоят ва афсоналардан баҳраманд бўлади. Улардан бири кеска балиқчи Алмос Товашев эди.

Сирасини айтганда, яқингинада Қорақалпоғистон телевединисси орқали эфирга узатилган «Орол денгизига сув кириб кела бошлади», деган қанотли сўз, хушхабар кўнгилларда яна умид, ишонч уйғотди. Зеро, узок йиллар давомида тузли чанг-тўзони билан минг-минглаб одамларни соғлиғидан, куч-қувватидан айирган, тушқунлик қайфиятига солиб қўйган денгизда ҳаётнинг қайта мавжланишини чинакам мўъжизага қиёслаш мумкин.

Назаримда, Мўйнок кўрфазидеги катта сувлик узра чарх уриб қанот қоқётган чағалай, фламинго, пушти ранг саккоқуш, чайка сингари қанотли дўстларимиз зўр бериб, ҳаётнинг ширин ва тогли эканига шукрона келтирмоқда. Орол эса бу кийкириқларга ҳамоҳанг тарзда Осиёнинг кўрки, фахри бўлиш учун зўр бериб интилаётди.

Улуғбек ЖУМАЕВ

ЖОНИ БЎЛ, ОРОЛ!

чиққан. Ўша куни ҳам бу инсонни Мўйноқда учратдим.

– Илгаридан Орол денгизи сайёҳ кушларнинг нафас ростлаб, хордиқ чиқарадиган, кўпаядиган манзилу макони бўлиб келган, – дейди **Оролни кутқариш халқаро фонди ижроия кўмитаси Нукус филиали директори Рашид АЛЛАБЕРГАНОВ**. – Бунга Мўйнок кўрфазиде, Судочье, Жилдирбас, Дарё оралини кўли (*сув сақлагич*), Сарбас кичик кўли, Закр деб номланган катта ва кичик кўли ва янгитдан барпо этилаётган Майпаст сув сақлагичини кўриб ўзингиз амин бўлдингиз. Мазкур кўлларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Бу ерда балиқчилик ривожланиб, кўшимча ишчи ўрни яратилмоқда. Гўзал манзара, ажойиб маконлар кўнгилга хуш ёқайди. Очиғи, бу маконлар не-не ижодкорларга илҳом бағишламаган, дейсиз. Аммо афсуслар бўлсинки, Оролнинг экологик ҳалокати аҳоли генофонди ва саломатлиғига таъсир етмасдан қолмади. Натижда қон айланиш тизими, буйрак, нафас олиш, камқонлик, овқат хазм қилиш билан боғлиқ хасталиқлар кўпайиб кетишига сабаб бўлди.

Бу офатнинг келтираётган зарари кўлами тобора кенгайиб кетишининг олдини олиш мақсадида, «Судочье»дан тортиб Қозоқдарё овулигача бўлган бир юз ўн минг гектарлик катта-кичик кўллар, сув хавзалари, Мўйнок кўрфазиде оби-ҳаётга тўлдирилгани маълум. Мўйнок консерва заводининг ташландик, кўримсиз биноси ўрнида ихчам ва замонавий услубдаги бино қад ростлади. Орол денгизининг қуриган тубидеги Оккум ва Оханай участкаларида экилган саксовул кўчатлари ўсиб, кўкча бўй чўзмоқда.

Бу худудда ҳар йили етмиш беш минг тонналик тузли чанг-тўзон кўтарилиб, атроф-муҳитга ёйилади. Ҳаттоки бу чанглар Помир ва Тянь-Шань тоғлари ҳамда Арктикага ҳам бориб етгани қайд этилган. Эсингизда бўлса, 2018 йилда Оролдан эсган кучли шамол ва тўзон Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларига хавф солган эди. Дарвоқе, Оролбўйи хавзаларида балиқнинг қирқ тури, Осиё гепарди, Турон йўлбарси, чўл силовсини кўп учраган. Ўсимликларнинг олти юз ўттиз тўрт

барпо этиш дастурига қирадиган Мўйнок туманидаги Майпаст кўли бўйлаб дамба йўлини ва сув ўтказиш иншоотларини қуриш вазифаларини уддалаш билан банд, – дейди Оролни кутқариш халқаро фонди ижроия кўмитаси Нукус филиали бош мутахассиси Мурот Сахтаганов. – Биласиз, бу вазифалар уддалангудек бўлса, ўз навбатида талай муаммоларга ечим топилади. Бундан ташқари Орол денгизининг тубидеги Оккум, Охантой худудларида саксовул экиш, уни муҳофаза этиш ишлари билан бандимиз. Оқбеткай худудиде бўйи тўрт метр, ёши эллиқдан ошган сазок (*саксовул дарахтлари*) кўп учрайди. Уларнинг муҳофазасига ҳам жамоамиз масъулдир. Сабаби бу дарахтлар остиде кўшлаб куш ва ҳайвонлар жон сақлайди.

Пушти саккоқуш галаси

Судочье кўлидан эрта баҳордан то кеч кузга қадар кушларнинг қатнови тинмайди. Олис ўлкалардан учиб келган қанотли дўстларимиз бу маконда хордиқ чиқариб, кўпаяди. Ўз тилларида сўзлашаётган кушларнинг бир-бирига муносабатига қараб туриб, қойил қоласиз. Фламинго тўдалари шулар жумласидан. Сувлик узра сўзиб юрган пуштиранг гўзлар галаси балиқ тутиш билан овора. Оғзида балиқ тишлаган куш нигоҳидан ҳеч бир ҳолат четда эмас. У синган қанотини силкитиб, ўрнидан туришига чоғланаётган оққуш ёнида парвона. Ўз билганича, турдошига кўмак бермоққа уринади. Бу ҳолни узокдан киприк қоқмай кузатаётган назоратчи қатерда ўша жойга етиб борди. Дарҳол, ярадор оққушни кўлига олди, лата еган жойига малҳам сурди. Тез кунда куш тузалиб кетди. Бошқа гал эса кўл бўйига бир гала саккоқушлар галаси келиб қўнди. Оқда кушларнинг бу тури Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёлари хавзаларида кўп учрайди. Сув жониворлари асосан, балиқлар билан қорин тўқлайди. Шу боис, Орол денгизиде ўз қирғоқларидан 200-250 чакиримга чекинган ўша кезлари, пушти саккоқушлар бу манзилларга келмай қўйди. Аммо бу жонзотлар қадами бупкул узилмаган экан. Орол денгизи

бўлиб келмоқда. Қолаверса, юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, камёб турларнинг эмин-эркин кўпайиши учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳам мазкур тур сони барқарорлашиб боришига улус қўшмоқда. Биргина Оролбўйи минтақасиде бу кушларнинг сони тахминан етти минтага етгани, уларнинг салмокис қисми юртимизда, оролбўйларида кишлаётгани кўнгилда ёруғлик уйғотмай қолмайди, албатта.

Сафар давомида денгиз бўйиде Судочье, Мўйнок кўрфазиде яқинида уялаб, ҳар жуфти икки-учтадан полапон очиб, уни меҳр билан парваришлаётган сон-санокис саккоқушларни учратдик. Улар ўз тилларида нимадир дея сўзлаганча болаларига емиш топиш билан банд эдилар. Учирма бўлган кўшлаб кушлар эса Оролбўйларини ўзига манзил-макон этиб, эмин-эркин парвоз қилмоқда. Афсуски, ўз нафсини ўйлаган айрим кимсалар Ўзбекистон қизил китобига киритилган бу ноёб кушларни овлаш пайида бўлаётгани ачинарлидир.

Денгиз қайтишига умид боғлаб...

1976 йил. Айни ёз чоғи. Ўша кезде Қорақалпоқ элига туркий халқларнинг сеvimли ёзувчиси Чингиз Айтматов ташриф буюради. Адибни бу ерга шоир Ибройим Юсупов таклиф этганди. Учоқдан тушган Чингиз оғани дарҳол Ибройим оға ва яна икки-уч нафар ёшудли кутиб олишади. Бироз дам олиб, хордиқ ёзган Чингиз Айтматов эртасига тўғри Мўйнок томон отланади. Кемага ўтириб алламаҳалгача денгизни саёҳат қилашади. Орол денгизиде – туркий халқлар наздиқдаги Кўк кўл дунёга таниқли сўз сеҳрларига бетакрор завқ-шавқ улашади. Сухбат давомида ёзувчи дунёни сув босган маҳалида содир бўлган бир воқеани мароқ билан сўзлаб беради. Қачонлардир оламага доврқ солган Семурғ куш ёғиллар ўқидан қаттиқ яраланибди. У душманлари кўлига тириклайин тупишини ўзига ор деб билиб, кечаю кундиз тинмай қанот қоқиб дарё ва кўллардан, чўлу биёбонлардан, тоғлардан ошиб ўтиб, ниҳоят узокдан жимирлаб кўринган катта сувлик устига ўзини отибди. Сабаби у аллақачон хушдан кетиб бўлган эди. Шунда

Қауроқу! зан!

Пул – инсонга ҳеч қачон вафо қилмайди. Кўчага пул билан чиқиб кетасан, уйга нуқул ёлғиз қайтасан!


Ойдажуржун

Олимбой ака келинини кутиб олиш учун раисдан «Волга»ни сўраб, коқ пешинда станцияга чиқди. Поезд келиб вагон эшигидан ўғли Тантибой билан келинининг қораси кўриниши биланоқ пешонасига шарт этиб биттани туширди! Бай-бай-бай! Келин деган ҳам шундоқ, латта қўғирчоқ бўладими? Ойдеккина экансан-ку, ола-байроқ кийимларга бало борми? Ўзинг-ку, ҳомиладорсан, сипороқ кийинмайсанми, қизталок!

Олимбой ака ўзидан-ўзи гўлдираб, вагонга яқин боришни ҳам, бормасликни ҳам билмай, келинининг «қақди-қомати»га махлиё бўлиб қотиб турарди.

тўрт кўз бўлиб кутиб ўтирган эди. Чол тўй тадоригини ҳам кўриб қўйган. Шу бугуноқ уйни одам босиб кетади. Тўйни қолдирсаммикин, дея дилидан ўтказди чол. У ер остидан келинига разм солди. «Тавба, «Муштум»даги суратларга ишонмасдим. Энди ишондим, майли, булар иш бўлибди, тўй бўлмаса ҳам, тўйча қилиб бериб қутулмасам...»

Гузарга келганда машинани жуда тез ҳайдаб ўтиб кетишди, кўчанинг чанги буруқсаб кетди. Самовардаги чойхўрлар: «Оббо, Олим қизиқ босар-тусарини билмай қопти-ку», дея машина орқасидан



Саид АҲМАД

Янғисидан! оор!

- Соғлиқларингиз яхшими?
- Жуда яхши. Менда вирус йўқ!
- Молиявий аҳволингиз-чи?
- Унданам яхши. Менда пул аниқ йўқ!

Ханка билан Танка

Ўғли Тантибой вагон зинасидан юбкани торлигидан тушолмай кийнаётган хотинини қўлтиқлаб туширди-да, ҳар бири сандиқдек-сандиқдек иккита чамадонни аранг судраб, дадаси томонга юра бошлади. Олимбой ака ичда «э, дидинг курсин», деди энсаси қотиб. У, бу «бедаво»ларни қишлоқ гузаридан қандоқ қилиб олиб ўтаман, деган хаёл билан банд эди. У ўғлининг олдида писанда қилаётгандек қоринни чиқазиб, листа чақиб келаётган келинига бошдан-оёқ разм солди. Сочи эркакча қирқилган, икки қулоғида редискадек қип-қизил зирак, лабини шундоғам бўяптики, худди помидор тишлаб келаётганга ўхшайди. Шимнинг почасидек тор юбканинг ён томонига қаторасига йигирматача қора тугма қадалган. Бўйнида ҳар бири ёнғоқдек келадиган жўн сариқ мунчок. Юпка капрон кўйлақдан елкасидан хуснубузарлари бемалол кўришиб турибди. Олимбой аканинг унга қараб туриб, дод деб юборишига оз қолди. Ўғилчани – фарзанди қобилни айтмайсизми, олдида икки букчайиб, пилдираганича чамадон кўтариб келяптилар. Э, шўринг курсин, адойи тамом бўпан-ку!



қараб қолишди. Кимдир, чолнинг омади келди, деди. Самоварчи уларга пичинг қилди:

– Кўпам ҳовлиқаверманлар, келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр.

Тўйларда дастурхоннинг тўрида ўтирган Олим қизиқ, ҳадеганда тўйни бошлавермаганидан, ҳамма ҳайрон эди. Чол эса, келинига: йўл юриб чарчагансиз, иссиқ кунда кўчага чиқмай туринг, уриниб қоласиз, деб уни уйда сақларди. Келин уйда ўтиравериб, сикилиб кетди. Чолга билдирмай, икки марта морожнийхона кидириб гузарни ҳам айланиб келди. Кампир бўлса, агрономнинг хотинига жадал бепасон одми кўйлақ тиктирарди. У аллақакдан келинининг сочига мослаб улама ҳам топиб келди. Қани энди Ханкаси тушмагур уламани тақа қолса. Йўқ, унамади. Кўкракбурма штапель кўйлакни улқитириб ташлади. Кампир юм-юм йиғлади. Чол уни юпатмоқчи бўлди:

– Қўй, хотин, йиғлама, фарзандимиз кетидан келган фарзандимиз... Бизнинг қўлимиздан нима келарди? Ҳамманинг боласи бинойидек бир хунар эгаси бўлиб келяпти...

Чол шу куни гузарга чиқиб, таъби тирриқ бўлиб қайтди. Улфатлари унга, келинининг қўлини кўрсак бўларди, тўйни-ку еб кетдингиз, деб туриб олишибди. Чол номлоқ эртага тушдан кейинга ҳаммани тўйга хабарлаб келди. Бу гапдан хабардор бўлган Ханка апил-тапил кийимларига дазмол босиб, тирноқ бўйя бошлади. Кампир Танкани четга чақирди:

– Жон болам, айланай болам, хотининга айт, эл олдида бошимни ҳам қилмасин. Ярашадиган ишни қилсин.

Танка ҳам онасининг гапини эламади. – Ая, сиз тушунмайсиз, жуда орқада қолиб кетибсизлар-ку. Ҳар нима бўлса ҳам қишлоқсизлар-да.

Айвоннинг пешонасидан унинг гапларини эшитиб ўтирган Олимбой ака тутатиқ кетиб ўрнидан турди.

– Хой, менга қара, қачондан бери тушунадиган бўлиб қолдинг? Кўтар тўрва халтангни! Биласанми, тўртта одамнинг орасига кириб ҳали тилимни бермаганман-а!

Чол жаҳл устида уйга кириб, чамадонни ҳовлига улқитирди.

– Ҳозирнинг ўзида жўна! Сенларни деб қариганимда майна бўлишга тоқатим йўқ.

Кампир унинг кетида елиб-югуриб:

– Хой, дадаси, шаштингиздан қайтинг, – деб ёлворарди. Йўқ, чол шаштидан қайтмади. Икковини олдига солиб, катта кўчагача ҳайдаб чиқди. Келин лўлилик қилиб, уни қоқоқликда айблар, агар уни Танкадан ажратиб юборишса, қуртдек қилиб нафақа ундириб олишини шанғиллаб гапирарди.

Чол бу гапларга парво қилмай, ҳовлига кириб, эшикни ичидан занжирлаб олди. Катта-кичик ўртага тушди, бўлмади. Одам бўлиб келганда уйга киритаман, деб туриб олди.

Эрталаб раис самоварга кирса, келин-куёв бир бурчакда ўтиришибди. Поездга етишолмай қолишган экан. Раис уларни қойий-қойий уйга юбориб қўйди. Ханка чолнинг ҳамма шартига кўндию, фақат биттасига кўнмади.

– Этаги тор юбкамаг индаманг, ўзим жудаям яхши кўраман.

– Ахир, жон болам, ариқлардан ўтолмай қийналасан.

– Келинг, Олимбой ака, қийса қия қолсин, – деди раис чолга кўзини қисиб. – Хўш, энди яна битта гап. Омон-эсон ўқишдан ҳайдалиб келсизлар. Энди бекор юриш ярашмайди. Нима кўп, иш кўп, маслаҳат билан қандай иш қилишларингни эртага ўзингиз айтасизлар.

Раис шундоқ деди-ю, бошини сарак-сарак қилиб чиқиб кетди.

Орадан уч кун ўтгач, Танка товуқ-боқарликка, Ханка ўша фермага ҳисоб-чиликка кетди.

Олимбой ака энди тўю ҳашамларда илгаригидек катта гапирмас, аскияга аралашадиган бўлса, юмшоқроқ қилиб суяб чистон қилар эди.


1961 йил.

Латифалар

Эр-хотин чой ичиб ўтиришибди.

Хотин:
– Биласизми, Африкадаги баъзи қабилаларда эрлар ўз хотинларини сотиб юборар экан. Мабодо шундай одат бизда ҳам бўлганида мени сотар-мидингиз?


Эр:
– Йўқ, мен сени совға қилиб юборардим!



Пиёдалар йўлагидан ўтиб кетаётган пиёданга машина уриб юборибди.

Машинадан ҳайдовчи ҳовлиқиб тушиб:


– Бахтингиз бор экан, мен – врачман! – деса, ерда ётган пиёда:
– Сизни бахтингиз йўқ экан, мен – юристман! – дермиш.



Афанди даврида бир киши мақтан-чоқликда донг қозонган экан.


«Ҳамма ишни қила оламан, қўлимдан ҳамма нарса келади», деб мақтанаркан.

Бир куни Афанди ўша кишининг олдига келиб, хуштакни узоқ чалибди-да:
– Энди мана шунга вергуль қўйиб беринг-чи! – дебди.



Диққат қастинг!
Оздирадиган дори рекламаси учун эгизаклар тақлиф этилади.


Эгизакларнинг бири жудаям семиз, иккинчиси эса озгин бўлиши шарт!



Телефон қўнғирокларга жавоб бермаган ўғилга отаси хабар ёзмоқда:

«Ўғлим, битирув имтиҳонларинг қалай ўтди? Жавобингни кутаман!»

Ўғли жавоб ёзаяпти:
«Имтиҳон зўр ўтди! Устозимга ёқди. Кузда яна тақорлашимни сўради!»




Отаси ўғлига:
– Бу йил ҳам ўқишга қира олмасанг, отам дема мени! Сени танимайман!

Имтиҳонлар тугагач, отаси ўғлидан сўрабди:

– Хўш ўғлим, имтиҳонлар қандай ўтди?

Ўғли эса:
– Кечирасиз, сизни танимайроқ турибман, кимсиз?



Икки дўст суҳбатлашиб ўтириб сўрабди:

– Нега қизлар китоб ўқишдан кўра, кўзгу олдида кўп вақтини ўтказишади?

– Чунки аҳмоқ йигитлар кўзи ёмон кўрадиган йигитлардан кўра кўпроқ учрайди.

ОЛИМ ВА ҲУКМДОР

Имом Фахр Розий билан султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ҳаммомда дўстлик шабини ёққанлари ва имомнинг сўзи билан султоннинг такаббурликдан воз кечгани.

Сирдонлар даврасининг подшоши, дунёдаги барча диндорларнинг имоми Фахриддин Хоразмни ўзига оромгоҳ қилганда, уни кўришга Хоразмшоҳ келмади. У сўраб, бунинг олдига келмагандан кейин, илмининг кадр-қимматини саклаб, бу ҳам бормади.

Шоҳ ўз қилмишидан уялиб, пушаймон бўлди. Лекин имом бунга парво қилмади. Орада кўп пардали гап-сўзлар ўтди. Ўртадаги парда эса кўтарилмагандан сўнг бу гап-сўздан не фойда.

Бир куни имом ҳаммомга тушган эди. Шоҳ ҳам ҳаммомга йўл олди. Улар бир-бирлари билан кўришиб, шоҳ унга очилиб шун-

дай савол берди:

– Эй, ўз илми билан элни баҳраманд этган, қиёмат ишларидан бир хабар бер-чи. У кун қандай машаққатлар юз беради? Ҳар бир кишининг ахvoli нима бўлади?

Шоҳ шундай маъноли саволни берган эди, камолот эгаси бунга шундай жавоб берди:

– Эй қиёмат кунини билишни орзу қилган одам, қиёмат ҳақидаги саволга энг монанд жой



Насий «Хайрат ул-аброр» дастонидан.

шу ҳаммомдир. У ерда ҳам шоҳ билан гадо бир хил ахволга тушиб, шоҳу гадо барчаси яланғоч юради. Амалдорлар, катталар ҳаммаси сенга ўхшаб, ичкарига киргач, бору йўғи ташқарида қолади. Илму хунар эгалари эса менга ўхшаб, нима йиккан бўлса, ўзи билан олиб қиради, вассалом. Султонликдан сенга у куни кўп фойда йўқ, лекин менга илмим ту-

файли яхшилик кўп бўлади.

Алишер Навоийнинг «Хайрат ул-аброр» дастонидан

ЖАВОҲИР

Матназар АБДУЛҲАКИМ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими



ЎРИК ДАРАХТИ

Менинг меваларим фарқ пишган,
Шамоллар шовуллаб эсинлар.
Меваларим обрў. Тўксинлар.
Обрўйим мевадир. Есинлар.

Шохларим оҳиста кайрилиб,
Синай деб турган бир холдадир...
Қарийман. Қурийман. Охири
Мен ейдиган мева – болтадир.

ИНТЕЛЛЕКТ

МАНЗИЛНИ ЎЗГАРТИРИШ

Қадимда тикувчилик, темирчилик каби касб эгалари кўпроқ бир жойдан бошқасига кўчиб юриб меҳнат қилишган. Бошқа шаҳарга борганида, табиийки, у ердан ижарага уй, дўкон ё устахона олиб ишлашган. Аммо улар қозининг руҳсатисиз бу жойдан кўчиб кетишлари ё манзилларини ўзгартиришлари мумкин бўлмаган.

Савол: Бундай касб эгалари манзилни ўзгартиришида қозининг руҳсати нима учун зарур бўлган? Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0(371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 2020 йил 11 июнь кунги сонида берилган саволнинг жавоби: Нуҳ алайҳиссалом даврида юз берган тўфонда дунёнинг ҳамма жойини сув босгани ҳақида айтилади.

ПАЗАНДАЛИК

ҚОВУРИЛГАН ГУЛКАРАМ

Оддий, аммо жуда мазали таом рецепти кўпчиликка маъқул келади, деган умиддамиз. Шундай таомлардан бири – қовурилган гулқарам ҳақида билиб оласиз.

Гулқарам жуда фойдали маҳсулотлиги сабабли ундан ҳар куни таом тайёрлаб, истеъмол қилиш саломатлик учун ҳам наф келтиради. Бунинг устига тайёрланиладиган егуликка унча кўп ва қиммат маҳсулот ишлатилмайди.

Масаллиқлар:

1 бош гулқарам, 3 дона тухум,



100 грамм ун, таъбга кўра туз, қовуриш учун ўсимлик ёғи, бирга тортиш учун хоҳлаганча кўкатлар.

Тайёрланиши:

Гулқарамни бўлақларга бўламиз

ва ювиб оламиз.

Сўнг тузли сувга солиб, 5-7 дақиқа давомида қайнатиб пиширамиз. Сувини тўкиб ташлаймиз.

Тухумларни қақиб битта идишга соламиз, туз сепиб, аралаштирамиз. Сўнг унни солиб, силлик ҳолатга киргунича яхшилаб аралаштириб оламиз.

Қозон ёки товага ёғ қуйиб қиздираемиз. Гулқарамларни аралашмага ботириб, қовуриб оламиз. Пишгандан сўнг эса қоғоз сочик устидан териб чиқамиз.

Хошига қараб тўғралган кўкатлар ва саримсоқ сепиб, дастурхонга тортамиз.

Ёқимли иштаҳа!

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРАЛАБ...

Карим Бахриев
13 ч.

Дўзахга киришга пул сарфлаб...

Отаси боласига деди:
– Болам, биласанми, жаннатга одам текинга қиради, дўзах эса ҳақликдир. Ҳатто қўшимча ҳақ билан деса бўлади.

Боласи ҳайрон ҳолда сўради:

– Қандай қилиб, ота?

Отаси:

– Ҳа, болам, дўзах олови текин эмас. Мисол учун: киши кимор ўйнаса тўлайди, арок ичса тўлайди, зино ҳам текин эмас. Тамаки, носвой ҳам тийин туради. Дайдиди юришга ҳам тўлайсан.

Жаннат эса текин, болам. Масалан: намоз ўқиш текин, рўза тутиш текин, Аллоҳни зикр этиш текин, Аллоҳдан кўрқиб харомга қарамаслик текин, ҳаттоки масжидга кириш текин.

Энди, нима учун жаннат текин бўла туриб, дўзахга тўлаб қирамиз? Бу гапни боболаримиз айтар эдилар:

Жаннат арзон – кам харидор,

Дўзах қиммат – серхаридор...

Бахриддин Асрор
13 ч.

Новвой духовкада эмас, тандирда нон ёпса имтиёз борми?

Ошпаз гўштни гўшт қиймагайч (мясоровка) да эмас, қўлда чопиб, газдамас ўчоқнинг ўти-нида ош қилса, имтиёз оладими?

Дурадгор электр рандада эмас қўл рандада ёғоча ишлов бера имтиёз оладими?

Сартарош электр устарадамас, қўл устарада соч қиртишласа-чи?.. Масалан-да...



Тушунмайман, нега жонли ижро қилиш санъаткорнинг вазифаси, бурчи бўла туриб, унга имтиёз берилмапти?! Куйласанг жонли қўйла, бўлмаса юравер «амма, холаси ховодор қилиб», десак нима бўларди?

Майли, Президентимиз санъатда ўлиб бораётган жонли ижрони рағбатлантириш орқали санъатни ҳақиқий намоён бўлиб, кадр топишни истаб, имтиёзларни жорий қилгандир.

Энди жонли ижрони нобблик даражасига тушириб қўйган «санъат» ахли уялишмайди-ми? Охири пайтларда жонли ижро қилгани ҚАҲРАМОН даражасига опчиқиб қўйдик. Фонограммани медиаиндустрия даражасига кўтарганда қўллаб-қувватлаб турганам санъат майдони, қолаверса, биз – халқ бўлдиқ-ку!

Қўшиқчиликда ашулани жонли ижро қилиш санъаткорнинг асл вазифаси ва санъатнинг ҳақиқий кийфаси эмасми?

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетани интернет материаллари ҳам фойдаланишган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа асқиядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Ҳусниддин
БЕРДИЕВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-637
ISSN 2181-6190
Обуна индекси – 193
Алдаи: 1 709 нуска.

Нарҳи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма тибок.
Объект усулда босилган.

Чоп этишга тоширилди: 01:30

ISSN 2181-6190



12356